

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

## АЖОЙИБ ИНСОН



Аҳмад ота Юнусов ҳақида Тошкент шаҳар Бирлик маҳалласи аҳли, узоқ йиллик маҳалладошлари фахр билан шундай ажойиб инсон, деб аташлари бежиз эмас. У киши айна қирчиллама йигитлик давридан тортиб, то шу ёшида ҳам маҳалланинг тўй-маъракаси, яхши-ёмон кунларида елкадош бўлиб келмоқда. Авваллоси, Аҳмад ота халқимизнинг севимли санъаткори, машҳур академик Юнус Ражабий хонадонидида таваллуд топиб, вояга етгани боис шу асл ўзбек она оилга муносиб бўлиб яшашга интилиб келдилар.

— Бағрикенглик, саҳоватпешалик, меҳнаткашлик каби хислатлари отамиз Юнус Ражабийдан ўтган, — дейдилар сингиллари Зуҳра опа. — Оиламизда энг катта фарзанд бўлганлари учунми, отамизнинг ўғитлари шундай бўлганми, Аҳмад акамлар биз — ука-сингилларига отамиз билан баб-баравар меҳр кўрсатганлар. Акамиздан ўрнак олиб Маҳмуда келинойимиз ҳам онамиз-



нинг ёнларида худдики онамиздек тарбиямиз билан шуғулланганлар. Мана ҳозиргача уларга ўшандай туйғу билан суяниб келмоқдамиз.

Аҳмад ота билан умр йўлдошлари Маҳмуда аянинг турмуш қурганларига эллик беш йилдан ортиқ вақт бўлибди. Улар шу йиллар мобайнида тўрт қиз, икки ўғилни ўстириб, элга қўшдилар. Йигирмадан ортиқ невараларнинг энг яқин маслаҳатгўйлари бўлиб ўтирибдилар. Катта

ўғиллари Раҳматжон инженер, кичик ўғиллари Рустамжон боболари Юнус Ражабий номидаги маданият марказининг раҳбари бўлиб фаолият кўрсатмоқдалар. Қизлари Ферузaxon савдода, Маҳфузaxon доришунос, Машкураxon врач, Мақсудахон қўли энгил доя сифатида одамларнинг олқишига сазовор бўлиб яшамоқдалар. Аҳмад отанинг тетик ва чакқон ҳаракатларини кўрган киши ҳайратга тушади. Сабабини сўрасангиз: "Ҳалол меҳнатда, мақсад сари ҳаракатда", — дейди. Аҳмад ота ёшлик давридан то нафақага чиққунларига қадар телевидениеда муҳаррир бўлиб хизмат қилдилар. Кўп йиллар мобайнида Тўқимачилар маданият саройидаги "халқ театри"ни бошқариб, ёшларга устозлик қилдилар. Ҳалигача домланинг қўлидан китоб тушираганини кўрганлар ҳаваслашиб қарашади. Биз ҳам ажойиб инсон Аҳмад отани муборак саксон уч ёшлари билан қутлаб, Маҳмуда ая билан юзга кириб, қўша қаришларини тилаб қоламиз.

Насиба РИЗАЕВА



ни, ҳаётнинг турли қийинчиликларини энгиб ўтиш учун замонавий билим ва ёрдамни қаердан олиш керак? Мана шу пайтда одамларга бизнинг марказимиз кўмакка келади ва мутахассисларимиз ана шу ва яна бошқа кўплаб саволларга жавоб беришга, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракат қилишади. Бу нарса ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган ўқув курслари ва тренинглари, семинарлар, яқка тартибдаги мулоқотлар тарзида амалга оширилади. Ўқув ишлари бўйича директоримиз Гулнора Мирзаева бошчилигидаги педагог, психолог ва шифокорларимиз куйидаги

да хатто оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлади. Келинлар бизнинг марказимизда мана шундай зиддиятли вазиятлардан чиқиб кетиш, қайнона билан муносабатларни изга тушириб олиш, унинг кўнглига йўл топиш борасида ўзларини қизқирган саволларга жавоб, руҳий кўмак олишлари мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, инсон шахсининг шаклланиши ҳали у туғилмасидан анча олдин, она қорнидалигидаёқ бошланар экан. Шунинг эътиборига олиб марказимизда "Оналар мактаби" ҳам ташкил этганмиз. Бунақа мактаблар хорижда кенг тарқалган бўлиб, уларни юрдошларимиз чет эл фильмлари ва сериалларида кўрган бўлишса керак. Бу ерда бўлгуси оналар ва уларнинг умр йўлдошлари **ҳомиладорлик даври психологияси, туғиш арафасидаги кўрқувни, кўзи ёригандан кейин бўладиган депрессияни энгиш, ҳомиладор аёллар учун махсус гимнастика ва нафас олиш машқлари, чақалоқни парварилаш шиклилари, турли ёш бошқичларида болани тарбиялашга алоҳида ёндошув** каби йўналишлардаги семинарларда, ўқув курсларида иштирок этишлари, яқкама-яқка суҳбатларда ўз саволларига жавоб олишлари мумкин.

Марказимиз билан доимий алоқа ўрнатган ёш оилалар, бўлгуси оналар анчагина. Улар ўқув курсларимиз, семинар-тренингларида сўнг ҳам биз билан мунтазам алоқа боғлаб туришади.

**Юрдошларимизни "Инсон камолоти маркази" фаолияти қизиқтириб қолган бўлса, 121-69-59, 360-97-60 рақамли телефонларга кўнгирик қилиб биз билан боғланишлари мумкин. Д. ИБРОХИМОВ ёзиб олди.**



### ЖОНКУЯР КОТИБ

Неъмат ака Абиёвни Қўшрабод тумани, "Қуролос" маҳалласида ҳамма хурмат қилади. Неъмат ака Фуқаролар йиғинига (2000 й) котиб бўлибдики, одамлар кам-кўстларини айтиб, бемалол унинг олдида бораверишади. Ўрни келса, шароити оғирларнинг, ногирон ва кам таъминланган оилаларнинг уйига бориб, ҳужжатларини расмийлаштиради. Маҳалла томонидан белгиланган ёрдам пулларини вақтида эгасига етказишга ҳаракат қилади. Фуқаролар йиғинининг ҳисоб-китоб ишлари ва ҳужжатларнинг бадастирилгидан оқсоқол Саид ака Наҳолов ҳам хурсанд. 10 нафар 80 ёшли қарияларнинг умр тўйини нишонлаб, совға тарқатилиши, 70 га яқин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам юштирилиши, хомий Ҳайдар ака Абиёв томонидан янги қишлоқдаги Оқтепа сойига кўприк қурилиши, Маъмур Темиров хомийлигида 2-3 оилга 50-100 кг дан бугдўй тарқатилиши - ҳаммасида котибнинг ҳам улуши бекиёс.

"Қадимги" чўпонлар — Хусан ота (75 ёш) ва Тиник опалар (63 ёш)нинг ўғли, 5 фарзанднинг отаси Неъмат Абиёвни маҳалла-қўй меҳнаткаш ва жонқурлиги учун қадрлашади.

САНОБА

## РУҲИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда "Инсон камолоти маркази" номи ўқув-услубий, руҳий ёрдам мактаби иш бошлагани ҳақида эшитиб, унинг фаолияти билан қизиқдик. Марказ раҳбари Лира Умидовна КИМ бу ҳақда куйидагиларни гапириб берди:

— Бугунги тезкор замонда ҳамма нарсага улгуриш, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлиш, мустақам оила соҳиби бўлиб, ақлли, ота-онанинг айтганидан чиқмайдиган фарзандлар тарбиялаш, касбидан, қилаётган ишидан, умуман ҳаётдан қаноат ҳосил қилиб яшаш осон эмас. Чунки замонавий ҳаёт, жамиятда кун сайин, соат сайин юз бериб турган ижтимоий ўзгаришлар, янгиликлар инсондан кўп миқдорда руҳий ва жисмоний куч сарфлашни талаб этади. Ана-шу куч-

йўналишлар бўйича ёрдам кўрсатишади: **ота-она ва фарзандлар, қайнона-келин, эр-хотин муносабатлари, руҳий барқарорликни сақлаш, оилادا, ишда бўладиган зиддиятли вазиятлардан чиқиб кетиш.**

Одатда ёш келинларнинг янги оилга киришиб кетиши ҳар доим ҳам осон кечмайди. Бундай пайтда айрим қайноналар келинига йўл-йўриқ кўрсатиш, билмаганларини ўргатиш ўрнига зуғум ўтказишга ҳаракат қилади. Оқибатда қайнона-келин ўртасида арзимас нарсалардан бошланган зиддият жиғидй келишмовчиликларга, баъзи ҳоллар-



2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"

ДАРДМАНДГА ДАРДДОШ

БЎЛИБ...

Бугун туғруқ комплексларида бола-га ва онага кўрсатилаётган тиббий ва маънавий ёрдам барчанинг кўзи олдида намоён. Илгари чақалоқ дунёга келгач, дарҳол тозаланиб, йўртаклан-са, энди у туғилгандаги холича она қорнига қўйилади. Бу ҳол чақалоқнинг ҳарорати пасайиб кетишидан ва оқибатда ҳар хил касалликлар келиб-чиқишидан асрайди. Бола она кўра-гини излаб талпинида, ҳаёт қонунини - меҳнатга ўрганади. У яшаш учун она танасидан куч олади.

Бунини момоларимиз қадимдан кашф қилиб қўйишган эди-ю, кўп йиллар анъаналаримизга "эскилик сарқити" деб қаралиши шифокорларни ҳам йўлдан чалғитди. Ҳозир бу усуллар ўқув амалий машғулотларда шифокорларга, ота-оналарга батафсил тушунтириляпти. Андижон шаҳар 3-туғруқ мажмуида бошланган "Бехатар оналик" дастури Малика опа Солиева бошчилик қилаётган 2-туғруқ мажмуини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бўлажак ота-онани шифокорлар қабулхонаданок ҳушфеъллик билан кутиб олишади, дилдан суҳбатлашади, далда беришади, йўл кўрсатишади. Касалга табибдан кўра, ҳабиб бўлиш керак бу дамда...

165 ўринли бу туғруқхона барча замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. "Андижон чигит" Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси етказиб бераётган чойшабчалар, кўрпачалар ва оқ матолар ҳам қанчадан-қанча она ва боланинг кунига ярапти. Бу борада Малика опанинг ўзи ҳам пешқадамлардан. Ҳеч кимга билдирмасдан қийналган она ва болага "ёнидан" моддий ёрдам кўрсатади. Сўрашса, "номаълум одамдан", деб қўя қолади. Хатто ўз фарзандларининг янгидай турган чойшаблари-ю, кийимчаларини ҳам стериллаб туғруқхона болаларига берган. Аслида бу ердаги чақалоқлар ҳам ўз боласи-да.



гапнинг мағзини чақдим. Тез-тез ёрдамга борардим. Ва ўша жойда беморни жарроҳлик йўли билан ҳам даволашга тўғри келарди. Хаёлда фақат "ўша одамнинг дардини ариштиш" нияти бўларди.

Бир неча марта туғилган кунимни (сан. авиация) хизмат сафарига - йўлда ўзи ҳам пешқадамлардан. Ҳеч кимга билдирмасдан қийналган она ва болага "ёнидан" моддий ёрдам кўрсатади. Сўрашса, "номаълум одамдан", деб қўя қолади. Хатто ўз фарзандларининг янгидай турган чойшаблари-ю, кийимчаларини ҳам стериллаб туғруқхона болаларига берган. Аслида бу ердаги чақалоқлар ҳам ўз боласи-да.

Шифокор бўлиб, энди иш бошлаган йилларим соғайиб кетган бир беморим чиройли чойнак ҳада қилди, - дейди Малика опа кулиб эсларкан. - 37 йил мактаб директори бўлган отам (Исмоил ака) кўриб, ўша заҳоти изимга қайтардилар: "Олишга ўрганган одам шифокор бўлмайди. У даволашдан кўра, пул ҳақида ўйлайди. Мен эса сенинг ҳақиқий ҳаким бўлишингни истаймэн", - дегандилар ўшанда. Онам Зулайхо опа дадамни маъқуллаганлар. Тиббиёт тизимида, ишлаётганимга 35 йил бўлибдики, бу ўғит эсимдан чиққани йўқ. Оддий врачдан бош шифокорликкача бўлган ҳаёт йўлимда бу

Санобар ФАХРИДИНОВА

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМҚОН

Истиқлол йилларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун каттагина имкониятлар яратилди. Хусусан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва говларни бартараф

этиш юзасидан амалий чоралар кўрилади. Уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Қаҳрамонларимиз шу ҳақда фикр юритадилар:

"ЗАМОНАМДАН АЙЛАНАЙ, БОЛАМ!"

Кураббой ота ХУДОЙБЕРГАНОВ, Урганч тумани, Юқорибот қишлоғида истиқомат қилувчи нафақахўр.

— Сақсон баҳорни қаршиладим. Умр бўйи далада меҳнат қилдим. Турмушнинг ачиқ-чучуғини, оғир меҳнатни бошдан кечирдик. Эҳ-хе, биз ишлаган даврлар жуда оғир эди. Эғнимиз бут бўлиши у ёқда турсин, тўйиб овқат эмасдик. Илоҳим, у кунларнинг ўтгани рост бўлсин! Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг елкамизга ҳурлик насимларини текканини дилдан ҳис қилдик. Ўзим тенги қариялар билан суҳбатлашганимда бу ҳақда сўт-бот гапираимиз. Замонамиз тинчлигини, юртининг ободлигини, фарзандлар камолотини тилаб дуо қиламиз.

Келиним, барака топкур Дармонжон Каримова тиббиёт ходимаси бўлиб ишларди. Ҳозирда у менинг касб-коримни давом эттириб 13,5 гектардан иборат бўлган майдонда "Она-Замин" фермер хўжалигини бошқармоқда. Набираларим фойдали юмша билан андармон.

Ҳар кун телевизор кўраман, радио тинглаймэн. Маиллатимизда бўлаётган ўзгаришларни кўриб, чин дилдан севинаман. Эҳ-х, ҳозир навқирон ёшлигим қайтиб келсайди, деган бир армон ўртайдими юрагимни. Лекин шунгаям шукур дейман. Ахир, дориломон кунларнинг гувоҳи бўлдим-ку.

Юртбошимиз Ислоҳ Каримов халқпарвар инсон. Яқинда у кишининг раҳнамолигида "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилиниши айни дилимиздаги гап бўлди.

"ЕНГ ШИМАРИБ ИШГА ТУШДИМ"

Насиба БОЛТАЕВА, Урганч шаҳридаги "Равшанбек-Валий" хусусий корхонасининг раҳбари:

— Сўнгги йилларда тадбиркорларга яратиб берилаётган қулайлик ва имкониятларни кўриб, рости қувондим. Аслида, тикувчилик касбига илҳосим балан эмасми, менинг ҳам тадбиркор бўлгим келди.

Бунини момоларимиз қадимдан кашф қилиб қўйишган эди-ю, кўп йиллар анъаналаримизга "эскилик сарқити" деб қаралиши шифокорларни ҳам йўлдан чалғитди. Ҳозир бу усуллар ўқув амалий машғулотларда шифокорларга, ота-оналарга батафсил тушунтириляпти. Андижон шаҳар 3-туғруқ мажмуида бошланган "Бехатар оналик" дастури Малика опа Солиева бошчилик қилаётган 2-туғруқ мажмуини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бўлажак ота-онани шифокорлар қабулхонаданок ҳушфеъллик билан кутиб олишади, дилдан суҳбатлашади, далда беришади, йўл кўрсатишади. Касалга табибдан кўра, ҳабиб бўлиш керак бу дамда...

Кувона-кувона оилам бағрига қайтдим. Чунки эндиликда мен "Равшанбек-Валий" хусусий корхонасининг эгаси, гапнинг индаллосини айтганда тадбиркор аёлман. Жорий йилнинг бошида 3 нафар ходим билан иш бошладик. Жамиятимизда биз аёллар учун яратиб берилаётган қулайлик-

лардан кўнглимиз тўқ. Она ва бола учун ҳукуматимиз томонидан қатор имтиёзларнинг яратилгани бизда ҳаётга муҳаббат, меҳнатга рағбат уйғотди. Шулардан илҳомланиб янги-янги либослар устида ишлайман. Ахир маҳалладошларим, юртдошларим кўча-кўйда, тўй-ҳашамда биз тиккан бежирим либосларни кийиб юрсалар, бу — элнинг кўрки-ку!

Шундай экан, соҳамни янада ривожлантириш йўлида тинмай ишлайман, изланаман. Атиги 6 ойнинг ичида 836 минг сўм ҳажмида иш бажардик.

Сўхбатдош Шавкат ХУДАЙБЕРГАНОВ, "Туркистон-пресс"

Қадим Самарқанднинг "Самарқанд-Ургут" йўлида жойлашган Жумабозордан ўтсангиз шундоққина ўнг томонда Урамас қишлоғи жойлашган.

Хикоямиз қаҳрамони Турсуной опа шу қишлоқдан. Турсуной опа Ҳалилова Хушвақт ака Курбонов билан турмуш қурганларига ҳам 42 йил бўлибди. Бу оилада 10 нафар фарзанд туғилиб вояга етди. Улар ҳаётда ўз ўрнини топган ажайиб ўғил-қизлардир.



Оила бошлиғи Хушвақт ака

ТОПГАНИНГИЗ ТҮЙГА БУЮРСИН!

узок йиллар Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида ҳайдовчи бўлиб меҳнат қилди. Шу касб орқасидан обрў-иззат топди. Турсуной опа ҳам шу жамоа хўжалигида оддий колхозчи бўлиб ишлаб ҳар йили давлатга тонналаб тамаки маҳсулотини етказиб берди. Опа нафақага чиққанидан сўнг ҳам тинч ўтиргани йўқ. Буй етган қизларини, ўғилларини уйлаш-жойлаш учун кечаю кундуз тинч билмай ер чопиб, картошка, пиёз экиб, кечалари чопон тикиб бозорга чиқариб сотиб рўзгор аравасини тортиди. Эру хотин қизлару ўғилларининг сепу сарполарини қилиб, муносиб жойлардан келинлар тушириб, муносиб жойларга қизларини узатдилар.

ҳаётда ўз ўрнини топган, ўзига тўқ хонадон соҳибларидир. Ўтиш даври йўл билган, тил билган, эл билган урдабурон қишлоғига қийин кечмоқда. Яқинда ўғлим хизмат вазифасини ўзгартириб, бозорда бир омадмини синаб кўраман, деб қолди. Маблағ йўқ, қўл қисқа, ўйлай-ўйлай, ночор қолиб, опанинг хонадонига йўл олди. Минг истиқола бизни дардимизни айтдик. Билан тушунган опа ва фарзандлари, куёвлари Мусурмонкул ака, қизлари Озодаҳон ҳеч иккиланмасдан ночор она-болага ёрдам қўлини қўздилар. Бошимиз осмонда уйимизга келдик. Мен қилган ишлари фақат яхшиликдан иборат бўлган бу хонадон аъзоларига у кишидан ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам олган барча инсонлар номидан миннатдорчилик билдираман. Одамларга, бева-бечораларга қилган яхшилигини ўзингизга минг чандон бўлиб қайтсин! Топганингиз тўйларга буюрсин, давраларнинг тўри сизники бўлсин, азиз Турсуной опа.

Невараю чеваралар, фарзандлар, куёвлар, куда-андалар бир ерга йиғилсалар, ақлингиз шошади. Яна ҳар йили тўйлар қилиб, меҳмон кутиб, меҳмон кузатиб, кўпкарига улоқ ташлаб, одамлар олқишини олганларини кўрсангиз, ҳайрон қоласиз. Опа умр бўйи кўп одамларга ҳам маънавий, ҳам моддий томондан ёрдам бериб келди. Шунинг учун бўлса керак, яратган эгам бу бир гапириб ўн қуладиган, ҳамма вақт сергайрат, хушчақчақ аёлни ҳар томонлама сийлаган.

Кизлари Озодаҳон, куёвлари Мусурмонкул акалар йирек тижоратчи, тадбиркор инсонлар. Фарзандларининг ҳар бири

Саломат МАМАТҚУЛОВА, шора, Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани.

“Оила ва жамият” газетаси менинг тақдиримда муҳим рол ўйнайди. Буни икки оғиз сўз билан ифодалаш қийин. Умримнинг тўрт фаслида ҳам бирдек сеvimли бўлган газетадан ажралмадим. Уни сонма-сон сарлавҳасидан тортиб то охириги саҳифасигача ҳар бир мақолани турмуш ўртоғим Жумабаева Анаргул билан кунт билан ўқиб чиқамиз ва муҳокама қиламиз.

Сўзимнинг исботи сифатида сизларга бундан бир неча йил аввал бўлиб ўтган бир воқеани ҳикоя қилмоқчиман. Ишдан ҳориб-чарчаб ўйга келган эдим. Турмуш ўртоғим болалар билан бағиллаб, ҳадеб оймага гап тушунтирмоқчи бўлар, ойижоним эса тўнини тескари кийиб олган, ўз сўзида қаттиқ турган экан.

Болагинамнинг шўрига шўрва тўкилган экан. Сен шаҳарлик бўлсанг, қишлоққа келин бўлиб турдинг. Моллар оч ётибди, паррандаларга дон берсанг, уй супуриш еттиндан чиқади. Сигирни қоссанг, сўзини қаттиқ қилиб ивйтишга ҳафсаланг бўлмайди. Ишдан ҳориб-чарчаб келиб ўғлим қилиши керакми, шу рўзгор ишларини?!

Анаргул ўзини оқламоқчи бўлиб, бир нима демоқчи эди, ҳайрият онам шаштидан тушиб:

— Бундай бўлмайди-да, она қизим. Чақалоқни бағримизга босиб ўтираверасизми? Ҳадемай турмуш ўртоғингиз ишдан келади. Рўзгор менга эмас, сизларга керак. Мол-хол боқсаларинг,

“Оила ва жамият”га ҳафсаласиз кўз югуртириб, бирдан мақолалар воқеа-ҳодисалари ичига чуқур кириб кетганимни, руҳим тетик, дардларим енгиллашганини ўзим сезмай қолдим.

Ойисининг уйида аразлаб ўтирган Анаргулга газетани олиб бориб ўқитдим. Эртаси куни унинг руҳиятида сезиларли ўзгариш пайдо бўлиб, икки ойдан буён қайнсигилларининг арзимаган гапи баҳона ойисиникида боласи билан аразлаб ўтирган хотиним “Оила ва жамият” сабаб уйга қайтиб келди.

Билишимизча, Анаргулга ҳам газетдаги мақола таъсир қилган ва эс-хушини йиғиштириб олганди. Шу-шу “Оила ва жамият” сеvimли газетамизга айланди ва бахтимни қайтариб бергани учун миннатдорчилик тариқасида ҳар йили газетага обуна бўламиз. У бизнинг ҳақиқий маслаҳатгўйимизга айланди. Турмуш муаммоларидан бошимиз қотган пайтларда ундан мадад топдик. Отамиз ўрнида ота, онамиз ўрнида она бўлган ва бўлаётган воқеа-ҳодисалар ичида ўзимизни ёруғ дунёга даҳлдор сезиб, “Оила ва жамият” биздан қимматли маслаҳатларини аямади. Худога шукр, тўртта фарзандимиз бор. Ота-онамдан бўлак чиқиб, ўзимиз кат-

**ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!**

*Oila va jamiyat* 15 йил

**менинг ҳаётимда**

Бир умр Тошкентда яшаб, ишлаб, нафақага чиққач, Қувада қайнона-қайнота юртида ҳаёт кечиришга тўғри келди. Ана шу кунлардан эътиборан, манга, етти-саккиз йилдирки, ярқ этиб эшигимдан кириб келаётган энг яқин йўқловчим, кўнглимни ёритадиган чирроғим, ҳолимни сўрайдиган суҳбатдошим - шу “Оила ва жамият” газетаси. Назаримда у Тошкент нафасини, ҳамкасблар, шогирдлар хоҳиш-иродасини, Тошкентда қолган азиз фарзандларим тинч-омонлигини, ҳаёт мактаби сабогини ўз саҳифаларида олиб келади менга.

Тўғри, келиб-кетувчи дўстларим, яқин-

аччиқлашиб қоламиз. Эрта саҳар у мени кулиб-яшнаб, йўлга кузатмайди, албатта. “Яхши бориб келинг!” демайди. Яхшиси келинимни кечираман. Оллоҳ кечиримли-ку! Уни самимий қутиб оламан”, деб ният қилдим. Ва газетани ўпиб қўйдим. Ҳа, рост, ўпиб қўйдим. Дарҳақиқат, худди шундай иш тутдим. Келиним “оқ йўл” тилаб, мени худшуд кузатиб қолди. Эсон-омон тўйга етиб бориб яйрадим...

Аввал иқтисод, кейин сиёсат, деган гап бор. Яна бир воқеани айтмасам бўлмайди. 1999 йилнинг ёз чилласида 44 ёшга тўлган укам вафот этди. Бўзлаб Қувадан Қирибга йўлга қикдим. Узоқнинг иши курсин, укамнинг дафн маросими-га улгуролмай армонда қолдим...

Атрофдаги дўстлар, қолдан ўтган кунлар ярангни биров даволайди. Кўнмай иложинг қанча? Йўлқира-ю айрим маъ-

# ГАЗЕТАНИ ЎПИБ ҚЎЙДИМ...



рақаларга ёрдамлашиб, пулим тугаб қолди. Қувага қайтишим керак. Лекин яқинларимдан пул сўраш ҳолатида эмасман. Кўнглимга қил сиғмайди. Худди шу пайт “Оила ва жамият” кунимга яради. Ҳа, кўнглимни кўтарди. Менга пешвоз чиқди. Қандай қилиб дейсизми? Қувадан юборган мақолаларим чиқиб турарди. Шу нарса ёдимга тушди-ю, газета ҳисобчисига сим қокдим. “Келинг, опа, ўн мингга яқин пулингиз йиғилиб қолган!” - деса бўладими? Ох, бир бурда нонни беминнат ёганга нима етсин-а?! Умуман, бу газета ҳисобчилари ҳеч қачон: “Бизда ҳозирча пул йўқ!” деб зориллаган эмаслар. Улар саранжом-сарипшта, ишлари бежоглик, пуллари тежоглик одамлар...

Пулни олиб, ишлайдиган дўстларим билан дил-дилдан гаплашиб, анча қаддимни тиклаб олдим. Юмшоқ машинада, қўлимда набираларга совага-саломлар билан Қувага кириб келдим...

Мен турли сабабларга кўра гоҳ жим бўлиб кетсам, газета бош муҳаррири, ишчан, фидоий раҳбар, “Саодат” журналида бирга-бирга ишлаган қадрдоним Дилбархон йўқлаб-турарди. Мавзулар айтиб: “Ёзинг опа, сиз бизга кераксиз!” - дейди. Бундайн меҳрли муносабат, ишончли даъват яна руҳимни кўтариб юборарди, даволайди. Яна қўлимга қалам тулқазарди. Қишлоқда юриб, оддий аёллар, кампирлар, уй бекалари-ю, ҳамширалар, чеварлар, муаллимлар, тадбиркорлар билан суҳбатлашар эканман, улар менга: “Сиз бир умр “Саодат”да хизмат қилгансиз-а, энди “Оила ва жамият”да ишлагансизми?” - деб сўрашади. “Ҳа”, деб қўяқоламан, мен уларга изоҳ бериб ўтирмай. Ва уларнинг “Оила ва жамият”ни билишларини, бу газетани ўқиб туришларини ҳис қилиб севианман.

Эҳ-ҳе, қанча-қанча мавзуларни ёдимга солди бу газета. Айниқса, “Оила ва жамият” тўғриси “Бўстон” ҳўжалигида обрўим анчагина баландлигини айтмай. “Газетангиз келдими? Ўқиб бўлган, бизга ҳам берасиз-а?” - деб ҳар ҳафта илтимос қилишди қизлар, аёллар. Кейин газета қўлма-қўл бўлиб кетади. “Санъатнинг газетаси” деган ном билан айлиниб юради бу газета қишлоғимизда. Уқлавериби, уйдан-уйга ўтавериби, ушлагулик холи қолмайди. Мен суюнаман, менга газетани беминнат жўнатиб турганларни дуо қиламан. Ҳа, бизнинг “Оила ва жамият” ҳамisha суююки, ҳамisha керакли бўлсин! Бу газета ҳақидаги гапларим, таассуротларим, газетага ёздиганларим ҳеч қачон тугамаслигини жудаям истайман!

**Санъат МАҲМУДОВА,**  
Фаргона вилояти.

## МАЪНАВИЙ ОЗУҚА ОЛАМИЗ

эрта-индин ўғилларингизнинг суннат тўйида олдингиздан чиқади, болам.

Қайнона-келин бироз муросага келгандай бўлиши. Остонада мен пайдо бўлишим билан орадан ҳеч гап ўтмагандай онам неварасини қўлга олди, турмуш ўртоғим бизга чой олиб келиш учун ошхонага йўналди.

— Келиним уззу-кун ишлаб чарчамайди, гоҳ молларнинг тағида, гоҳ ошхонада, гоҳ боғда, бир қарасанг полизда қўли-қўлига тегмайди. Тагин чақалоғини ҳам эплайди. Умридан барака топсин, болам, - деди онам.

Кулоқларимга ишонмадим. Дарҳақиқат, онам бояқиш шаҳарлик келинни қишлоққа чиниктиргунча оёғи косов, қўли супурги бўлди.

Энди ўғил-қизларим воёга етиб, ахён-ахёнда ўйлиниб қоламан: “Анаргул ҳам жонқуяр онажонимга ўхшаб эзукко ва билимдон, гамхўр қайнона бўлармикан?”

Агар “Оила ва жамият” газетаси бўлмаганда, эҳтимол бундай бўлиши қийин эди. Мен онамнинг ва турмуш ўртоғимнинг раъйига, феъл-атворига қараб муомалада бўлдим. Доим қайнона-келин ўртасида одил тарози бўлиб, оиламни бус-бутун сақлашга онамнинг хаста кўнглини қолдирмасликка тиришдим. Бунда “Оила ва жамият” бизга катта ёрдам берди. Мақоламнинг бошида баён қилганим - қайнона-келин ўртасидаги кичкина келишмовчиликлар катта тўфонларга айлиниб, ўйимизнинг тинч ҳаёти остин-устун, алғов-далгов, ҳамма нарса кўз очиб юмгудек фурсат ичида дунё ўзгариб кетганини, шаҳарлик келин қишлоққа кўника олмай, анча қийналганини, гамхўр онам насихатлари келиннга қор қилмаётганини кўриб, бора-бора иззатталаб бўлиб қолганини, ўртадаги одил торозу - мен гоҳ у посонгига, гоҳ бу посонгига оғиш эҳтимолидан ўзимни зўрга асраб-авайлаб, турмуш чигалликларидан бошим қотган пайтларда ниҳоят 1991 йил “Оила ва жамият” газетаси нашр этила бошлагандан буён, ундан ўз муаммоларимга чора излаб бошладим ва топдим ҳам. Аввал яқин ўртоғимникига меҳмонга борганда қўлимга тушган

та оилага айландик. Ҳамма нарса бисёр, қўлимизни қаёққа узатсак етади. Истиклол ва тинчлик шарофатидан бошимиз осмонда.

Қизларим Ильмира, Гулмира, ўғилларим - Баҳодир ва Улуғбеклар эсли-хушли, одобли, эл-юртига таянч бўлиб, воёга етаяпти. Бири бизнесмен, бири менеджер, учинчиси гилам тикувчи ва охиригиси ўқувчи-талаба. Тақдиримдан розиман.

Ундан кейин бизнинг ростмана оила бўлиб, қад ростлашимизга ахлоқли-одобли, тиришқоқ болалар тарбиялаб, воёга етказишимизда, ҳар биримизнинг ўрнимизни топишимизда яқиндан кўмак берган газетадан ва унинг эзукко тахририят ходимларидан чексиз миннатдоримиз. “Оила ва жамият” ҳамisha столимиз устида, унинг муҳаррир минбаридан тортиб, тарбия соатлари, гаплари, ажойиб-ғаройиботлари, касал бўлмай яшаш сирлари, ота-оналар мактаби, ҳатто танишув мактубларигача, мулоҳаза, мушоҳада, мунозаралари, буюк зотлар ташрифлари, йўл-ўйлақай суҳбатларигача, ижодкорлар ижод намуналари, турмуш чорраҳаларидаги қалб жароҳатларигача, саломатлик машқларигача, ҳатто газетхонлар кўнги-роқларигача, ҳаёт қувончлари ва ташвишлари, нафақат аёллар, балки эркаклар саҳифаси, икки-чикир, лекинларигача ҳамма-ҳаммасидан маънавий озуқа оламиз.

Мен “Оила ва жамият”ни нафақат оилалар, балки ҳур жамиятимизнинг мустаҳкам пойдеворини тиклашда кудратли куч, синмас қўрол, эзгулик тарғиботчиси деб биланман. “Оила ва жамият”нинг кўп йиллик муштарийси сифатида яна шуни таъкидламоқчиманки, газета аввалги йилларга қараганда йилдан-йилга ўқишли бўлиб чиқаяпти, рунлар ранг-баранг, газета инсон қалбини, ақл-идрокини, маънавиятимизни тўла акс эттираяпти. Озод Ўзбекистонимизнинг ўн беш йиллик сермазmun ҳаётида, шадхам одимларида, эришган ютуқларида унинг роли катта.

**Турғибой КУЗДИБАЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси,  
Тўрткўл тумани,  
“Шўраҳон” ДФХУ 8-бригада.

- Унаштирилган пайтимда отам: "Қизим, энг катта душманнинг ўзинг билан. Бу душман оғзингдаги тилингдир. Ўйлаб гапирмасанг панд ейшинг ҳам мумкин!" - деган эди. Ана шу тилим мени бир кунда оилам, эрим ва ор-номусимдан айирди. Шунча маломатга қолиб, номим ёмонга чиқди, - деди ҳасратли овозда кўнғирок қилаётган аёл.

**- Ҳаммасини бошидан гапириб беринг?**

- Эрим билан биринчи ва охири марта жанжаллашган кунимиз ҳам кечгача муносабатимиз жуда яхши эди. Эримнинг келишига манти пиширдим. Бирга овқатландик. Соат ўнларда эримнинг боши орғиб, кўк чой ичмоқчи бўлди. Болалар ухлагани учун чойни ошхонага тайёрладим.

Чой дамлаганимдан кейин бир-икки пйёладан ичган ҳам эдикки, эримнинг кўзи тўлиб қолган ахлат челагига тушди.

- Манзура, мен бу челақни ташлаб, ўзим ҳам бироз тоза ҳавода айланиб юрлай, истасанг сен ҳам юргин, - деди.

**- Бирга чикдингизми?**

- Қани энди ўшанда бирга чиқганимда... Бу фожеа юз бермаган бўлармиди? Эримга:

- Ўзингиз чиқа қолинг, адаси. Мен кўйлақларингизни дазмоллаб тураман, - дедим.

- Майли бўлмасам, - дея эрим чиқиб кетди.

Биз олтинчи қаватда, марказда яшаймиз. Эрим пастга тушиб кетгач, орадан 15 дақиқа ўтар-ўтмас телефон жиринглади. Болаларимни уйғотиб юбормасин, деб шошилиб гўшакни кўтардим. Сал хирқи овоз билан бир йиғит гапирарди.

- Мен шу атрофда яшайман. Сизни ҳар кун кўраман. Жуда чиройли аёлсиз. Эрингизни ҳам кўраман. Аммо бу чўтир ва найнов йигитга қандай қилиб турмушга чиққансиз? Илтимос бир

учрашайлик. Майлими? Бир оғиз сўзингизни эшитсам бўлди, кейин сизни олисдан кўриб, шунга ҳам шукр қилиб юравераман, - деди. Бу эркакнинг овозидаги сирлиликдан ҳаяжонландим.

- Илтимос, ҳозир эрим уйда, эртага тўққизларда кўнғирок

қилсангиз, бемалол гаплашамиз, - дедим. У индамай гўшакни кўйиб кўйди. Бир пайт эшик тарақлаб очилиб ранги-қути ўчган, башараси бўзарган эрим кириб келди. У қўлидаги челақни менга қараб олди.

- Сен бузуқ экансан, падарингга лаънат! Ҳозирок ота-онанинг уйига олиб бориб ташлайман сени! Чалақир уйингдагиларни, мен ҳам чақираман, - дея уйдаги нарсаларни у ёқдан-бу ёққа ота бошлади. Болаларим уйғонишиб чинкириб йиғлай бошлади.

- Мен сени болаларга қараб ўтирсин, ишламасин, дея шароит яратиб, айтганингни олиб берсам. Сен бўлсанг умрингда кўрмаган эркакка қийшанглайсан! Ҳозир кўнғирок қилган эркак мен эдим! Сенга ўзимни танитмасдан ҳазиллашмоқчи эдим, сенинг ҳақиқий башаранг маълум бўлди, - дея эрим ичкаридан бир шиша ароқни олиб бир кўтаришда ярмини ичиб юборди. Кейин кайфи ошиб йиғлай бошлади.

**- Эрингизнинг овозини танимадингизми?**

бутунлай ишончимга киргандан кейин, бутун оиламизни четга кетишга ундади. "Бу ердаги даромадинглардан ўн баравар ортук пул топасизлар. Қизингизнинг ҳам, ўғлингизнинг ҳам тўйига - келажакка йиғини оласиз", деди. Хуллас, бу гаплар мени нафс домига тортди. Кетиш ҳужжатларини тайёрлашга тушдик. Кейин тўловини тўлаш кераклигини айтди. Йиққан

- У овозини ўзгартириб гапиргани учун танимадим. Унинг бундай ҳазили тушимга кирибдими? Кўрққанамдан тилим қалимага ҳам келмасди. Ахир ўзим билмаган кўнғирокдан шунча жанжал одам кечаси яна кўнғирок қилиб қолмасин, эрим буни нотўғри тушуниб юрмасин, -

Шундан сўнг мени муҳокама қилиш бошланди. Бечора ота-онам мени оқлашга гап-топа олишмади.

- Майли, куда, биргина кўнғирокдан шунча жанжал чиқса, ўғлингиз кўнмаса аж-рашади-да, бошқа илож йўқ. Уй-пуй олиб берганимизча шу

Ярим соатдан сўнг бефайз ва бўлиниши аниқ бўлган хонадонимда юрагимдаги алам ва пушаймонлик туйғуларига қовурилганимча ёлғиз қолдим.

Ушанда отамнинг айтган гапларини эсладим. Ахир менга кўнғирок қилиб бу гапни айтишганда уришиб, бақчириб ташлашим, эримга айтман, - деб кўрқитишим мумкин эди-ку. Шунда эрим менинг садокатимга ишонарди. Ваҳоланки унга ҳеч қачон хиёнат қилмагандим. Оқибатда эса...

**- Ярашишнинг иложи бўлмадими?**

- Афсус!.. Эрим судга берганди, уч ойдан сўнг ажрашдик. Мен, болаларим шу икки хонали уйда яшаяпман. Қайнотам: "Эси ўзига келиб қолса яна ярашарсизлар! Бундан кейин ўйлаб иштутинг, келин! Майли, ташлаб қўймасмиз, набиралар бор," - деди. Қайнотам бир дўсти билан гаплашиб ишга киришиб кўйди, ишляяпман. Кун ўтапти. Айтгандек, шу уйда қайнотамнинг бир хонали уйи бор эди. Эрим шу ерда яшаяпти. Уй биринчи қаватда, мен балкондан пастга қарасам, баъзан эрим-оқсоқоли бўлгани учуннинг машинада келиб кетабундай воқеаларни кўп ётганини кўриб қоламан. Ўтган куни туш пайтида бир койиди. Насиҳат аёл билан кўлтиқлашиб киқилиб, яраштиришга юрак-бағрим куяди. Назаримда энди эрим ўша аёлга уйланмоқчига ўхшайди.

**- Эрингиз кўнмадими?**

- У ҳеч кимнинг гапига кулоқ солмас, "Аж-рашамиз!" деб туриб бўлар ярашиб кетаман, деб олди. Тушгача бўлган бу мождардан кейин қайнотам эримга:

- Бўлмаса, ҳозирча алоҳида яшаб туринглар-чи, эҳтимол сал вақт ўтгач, совуб ўзинга келиб қоларсан. Нима бўлганда ҳам болаларни ўйла, мунчоқдек болаларинг-ни тирик етим қиласанми! - деб койиди.

Эрим эса пинагини бузмай кириб жомадонга кийимларини жойлаштира бошлади.

ГУЛБАШАКАР

# ҲАЗИЛ ЗИЛГА АЙЛАНДИ



Кўнғирокларингиз...

ерда яшаб туришсин. Кейин яна кўрармиз. Бошқа гапларни эшитишга тоқатим йўқ. Уни уйимизга ҳам олиб кетмайман. Гап шу, - деди отам шўрлик.

**- Қайнона-қайнотангиз-чи, улар муроасага келтиришга ҳаракат қилишмадими?**

- Қайнотам анча мулоҳазали одам. Мақалла оқсоқоли бўлгани учуннинг машинада келиб кетабундай воқеаларни кўп кўрган учунми, ўғлини аёл билан кўлтиқлашиб киқилиб, яраштиришга юрак-бағрим куяди. Назаримда энди эрим ўша аёлга уйланмоқчига ўхшайди.

- У ҳеч кимнинг гапига кулоқ солмас, "Аж-рашамиз!" деб туриб бўлар ярашиб кетаман, деб олди. Тушгача бўлган бу мождардан кейин қайнотам эримга:

- Бўлмаса, ҳозирча алоҳида яшаб туринглар-чи, эҳтимол сал вақт ўтгач, совуб ўзинга келиб қоларсан. Нима бўлганда ҳам болаларни ўйла, мунчоқдек болаларинг-ни тирик етим қиласанми! - деб койиди.

Эрим эса пинагини бузмай кириб жомадонга кийимларини жойлаштира бошлади.

**ТАШРИФЛАРИНГИЗ...**

Уғлим ўртоқларидан ёрдам сўради. Улар ҳам бир ёрдам берди, икки қарашди, охири узоқлашишди.

**- Ёмон иш бўпти. Энди бу ерга келишдан мақсад нима?**

- Аввало мен каби кимдир шу хато йўлни тутатган бўлса оғохлантормоқчиман. Яна бир илинчим бизнинг кўчада қолганимизни ҳис қила оладиган бирор-бир меҳрибон қўл бўлса, ёрдам берармикан, дегандим.

**- Аввало, ҳар бир ишни чуқур ўйлаб қиладиган ёшдаги инсонсиз. Биноийдек яшар экансизлар. Борига қаноат қилиш керак эди. Ахир отасиз болаларни боқиб, шу уйни олиш ҳам осон бўлмагандир.**

- Гапирманг, гапирманг. Мисқоллаб терганим кул бўлди, кул!

**- Энди афсусдан фойда йўқ. Фақат сабр билан яхшилик томон ҳаракат қилинг, фарзандларингизни у-бу ишга жойланг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам яшагга интилиш керак.**

- Уғлим ҳам, қизим ҳам ўқишини ташлаб кетди. Ишдан ҳам бўшаб олишганди. Бирорта яхши инсон бошпана берса, ўла-ўлгунча хизматини қиламиз. Яхши бўлиб кетсак, ортиги билан қайтарамиз.

**- Ким билади, ноумид шайтон... Матлуба ШУКУРОВА**

- Холимизни сўрагувчи йўқлиги сабаб бу ерга келдим, - дейди хонага кириб келган ўрта ёшлардаги аёл. - Ўлганимнинг кунидан таниш-билишдан уялиб, дўст-душманга кулгу бўлмай деб ўзимга қараб юрибман. Ичимдан адо бўляяпман, ичимдан...

**- Нима бўлди, уяладиган иш қилдингизми?**

- Ёшим 50 га борганда билмайман, жин чалдим, шайтон йўлдан урдими, йўлимдан адашдим. 33 ёшимда эрим вафот этиб, бир ўғил, бир қиз билан қолдим. Шу ёшгача болаларимни тўғри тарбия бериб катта қилсам, яхши жойларда ўқиса, ишласа, деган орзулар билан яшадим. Эл қатори, ўзимизга тўқ бўлиб яшардик. Уғлим университетда сиртдан ўқиб, яхшигина фирмада ҳам ишлаётган, қизим талаба эди. Ўзи ининг ишим ҳам ёмон эмас, таниш-билишлар олдида ўз ўрнимга эга аёл эдим.

Утган йили ўғлим: "Яқин ўртоқларимнинг ҳаммаси чет элга кетиб, жуда кучайиб келишяпти. Мен ҳам иложини қилиб кетаман", - деди. Аввалига бу гапга унчалик эътибор бермадим. Кетиш ҳақидаги қарори аниқ бўлгандан кейин жиддий ўйлаб қолдим. Бир кун шундай иш билан шуғулланадиган аёлни олдимга бошлаб келди. Мен у жувон билан кўп марта сўхбат қилдим. Аёл

терганимиз етмагандан кейин, ўғлим уйимизни сотиш таклифини айтди. Мен кўнмаган эдим, ҳалиги аёл: "Энди бу уйнинг сизларга кераги йўқ, Яқинда кетасизлар, у ёқдан топганингларга бу уйларнинг нечасини олмасизлар", деди. Юрагим бежо бўлиб турса-да, сотишга кўндим. Табиийки, "прописка"дан ҳам ўчирилдик. "Ун беш кундан кейин кетасизлар", дегач, укамникида яшаб турадиган бўлдик. Айтилган вақт ўтди, аёл

келмади. Бир ой ўтди ҳамки, дарақ йўқ. Кейин ўғлим излаб борди. "Кетасизлар, намунча шомсанглар", дебди. Кутдик, 3-4 ойдан кейин ҳам кетишдан дарақ йўқ. Энди укамнинг хотини ҳам муомаласини ўзгартирди. Чунки бизнинг егуликка ҳам пулимиз қолмаганди. Мажбур чиқиб кетдик-да, ҳали у қариндошларникига, ҳали бу таниш-

ларникида яшаб юрдик. Бойиб кетишимизга кафолот берган аёлни эса ҳеч қаердан топмадик. Ички ишларга бордик, фойдаси бўлмади. Мана энди беватан бўлиб ўтирибмиз. Дардимни кимга айтмай, сингилжон?... Узокнинг насиясига ишониб, яқиннинг нақдидан айрилдик. Алаимдан ўғлимга бақираман. Аслида ўзим аҳмоқман. Ҳозир уйларнинг нархи осмонда бўлса!.. Устига-устак ҳеч қаерда рўйхатда ҳам турмайми.

# ЙИРОҚДАГИ КҮЙРҮҚНИ ДЕБ...

## СИЗ АЛДАНГАНСИЗ...

Ушбу мақолани ички бир изтироб билан ўқиб чикдим.

Йигитнинг бошига ҳақиқатан ҳам даҳшатли ташвиш тушибди. Бундай воқеа (худо кўрсатмасин) рўй берганда ҳар қандай одам ҳам довдираб қолади. Мен бу кишига маслаҳат беришга ёшлик қиларман... Аммо донишманд халқда: "Бир каттанинг, бир кичикнинг гапини ол", деган нақл бор-ку!

Уша аёл билан орани очик қилиб, эртароқ ажрашинг. Гулдек умрингизни беҳуда ўтказмай, ўз тенгингизни толинг. Қурбақа ўз ватанини кўлмақдан иборат, деб билганидек, сиз ҳам ўз ҳаётингизни ўша хиёнаткор қизда, деб билмангиз. Ҳали ҳалол хотинингиз ва ўз пушти камарингиздан фарзандларингиз бўлади. Аёлларнинг макр-ҳийласидан эҳтиёт бўлинг.

Қадимда бир аёлнинг макрини аравага юклаганда, арава синиб кетган экан. Энди ҳушёр бўлинг! Оила қуришда етти ўлчаб, сўнг кесишингизга тўғри келади. Ҳозирги давр шуни тақозо этади. Балиқни ўлчаганда, боши ва қуйруғини ҳисобга олмаганликлари каби бўлажак хотинингизни танлаб баҳолашда унинг соч турмаги билан оёқ кийимига эмас, қалбига қулоқ тuting. Бировдан бўлган қизчани ҳам унутинг. Уша ифатсиз хотинингиз қисматингиз қора қилмишлари азобини тортсин, сизни алдаб тегиб олгани учун. Сиз уррашувга қаққиб, унга уйланмоқчи эканлигингизни айтганингизда, у ўзининг ифатсизлиги учун дарров рози бўлган, сизнинг ишончингизни қозонаман деб ўйлаган ва буни уйдалаган ҳам. Албатта, оиласининг ҳам бу воқеадан хабари бўлган. Шунинг учун совчиларни илиқ кутиб олиб, тезда розилик берган. Даволовчи шифокор ҳам сизни ўтмишдаги воқеадан огоҳ қилиб тўғри қилибди. Агар била туриб айтганидан сиз бахтли яшайверардингиз, аммо ўша суюкли хотинингиз барибир хиёнат

қиларди. Ахир унинг "кўз очиб кўргани" ўзга-ку! Уни кўмсарди ва кўмсайверарди, оқибатда эса яна хиёнат...

Онангизнинг: "Маили-да, беайб парвардигор, болам! Утмишга кўз юмиб кўя қолда, яшайвер. Яна туғиб берса, унутарсан", - деган гапларига кириб, яна хотинингиз билан яшаб кетсангиз, унинг ёмонлигидан эмас, балки сизгача ўзга билан бирга бўлганидан умр бўйи руҳан азоб чекасиз. Юқоридаги гап-сўз барибир овоза бўлиб кетади. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди-ку. Дўстларингиз, тенгдошларингиз даврасида бир умр тилингиз қисик бўлади.

Кўйингиз, ҳеч нарсага эътибор бермай, яна бахтли яшаб кетган тақдирингизда ҳам бир кунмас бир кун "у" келиб: "Хотинингизнинг биринчи эри менман", деса, нима дейсиз? Шу пайт қай аҳволга тушишингизни бир тасаввур қилиб кўринг. Ёки уларнинг учрашмаётганига ким қафолат бера олади?

Атрофга боқинг. Қанчадан-қанча онаси ўпмаган, сочи силанмаган фаришта, ифатли қизлар бор! Шулардан бирини танланг. Зеро, донолар ҳам айтиб кетмишлар:

**Эй қув, кўшнлар қулмасин десанг, Келини қиз бола олгин, сен билсанг.**

**Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,**  
Самарқанд вилояти.

"Хиёнат оғир, оғир..."

- 23-сон

**ЭСААТМА:** Кечроқ уйланиб, бир қиз кўраим. У касал бўлган пайтда... Қизим мендан эмаслиги маълум бўлди. Хотинининг хиёнатидан юрагим тилкаланди. Онам эса хотиним билан ярашишимизни истади. Нима қилсам экан? Ярашиш ҳам изтироблар келтирмасмикан?

Муаллиф: Б. САЙДАЛИЕВА



ганида сиз уни севмай кўйган, ё муҳаббатингиздан воз кечмаган бўлардингиз. Қушингиз уясини бузиш увол. Шифокор сирни аниқлабди. Ёш оила манфати учун айтмаса ҳам бўларди-ку. Ул зот бу хатти-ҳаракати билан ўзига савоб олмади. Аршини титратди, халос. Оила бузилиб кетмаган бўлса-да, фикр шу томонга ўзгариб турибди.

Палатага кирганингизда Юлдуз пиқиллаб йиғлаб ўтирган экан. Сизгача шифокор рафиқангизни ҳам "отиб" кўйган экан. Шифокорнинг мақсади беморни даволашми ё сирларни фош этиш? Ул зот суд-тиббий экспертиза муассасасида ишлагани маълумликан.

Шифокорнинг оламшумул "кашфиёти" туфайли Юлдуз ўтмишидан сизни воқиф этди. Такрор бўлса-да, яна айтмай,

## ҚАРОРНИ СИЗ ЧИҚАРАСИЗ

**Маликжон!** Бу савдо ҳеч кимнинг бошига тушмагани яхши.

Ҳар ким севишга ҳақли. Биров ўзидан 10, 20, 30 ёш кичик қизни, яна бошқа киши эса ўзидан катта қиз, аёлларни севиб қолади. Юлдузнинг гўзаллиги ҳам, ёши ҳам сизга маъқул келган. Бунда ҳеч қандай айб ё хатолик йўқдир.

Биттагина хатолик Юлдуздан ўтган. Сиз муҳаббат изҳор қилганингизда у очигина айтиши лозим эди. У адашган, хато қилган, алданган, зўрланган бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам боқира эмаслигини билдирганида сиз уни севмай кўйган, ё муҳаббатингиздан воз кечмаган бўлардингиз.

Кушингиз уясини бузиш увол. Шифокор сирни аниқлабди. Ёш оила манфати учун айтмаса ҳам бўларди-ку. Ул зот бу хатти-ҳаракати билан ўзига савоб олмади. Аршини титратди, халос. Оила бузилиб кетмаган бўлса-да, фикр шу томонга ўзгариб турибди.

Палатага кирганингизда Юлдуз пиқиллаб йиғлаб ўтирган экан. Сизгача шифокор рафиқангизни ҳам "отиб" кўйган экан. Шифокорнинг мақсади беморни даволашми ё сирларни фош этиш? Ул зот суд-тиббий экспертиза муассасасида ишлагани маълумликан.

Шифокорнинг оламшумул "кашфиёти" туфайли Юлдуз ўтмишидан сизни воқиф этди. Такрор бўлса-да, яна айтмай,

Юлдуз шу гапларни севги изҳор қилган дамларингизда айтса нетарди?

У пушаймон. Йиғлапти. Ялиниб-ёлвораяпти. Юлдуз шундай қилмаслиги ҳам мумкин эди. Унинг пушаймонлигидан яхшилик умид қилса бўлади.

Онангиз: "Маили-да, беайб парвардигор, болам! Утмишга кўз юмиб кўя қолда, яшайвер. Яна туғиб берса, унутарсан", - дебдилар. Волидангиз Яратувчи муроаси мадорани хуш кўришини яхши биладилар.

"Менинг болам бўлмаса ҳам қизча шундай меҳр кўйган эканман. Шуни соғиниб қийналаяпман", деяпсиз. Ташлаб кетилган болани олиб тарбиялаб, меҳр бераётганлар озми? Сиз қизчанинг парваришига ва тарбиясига туғилмаёқ киришгансиз. Юлдузга бўлган меҳр-муҳаббатингиз қизчага ҳам ўтган.

Сизнинг ҳаётингизда рўй берган воқеага муносабат билдириш учун Ҳадиси шарифнинг "Никоҳ китоби", "Талоқ китоби" бобларини ўқиб чикдим. Чунки ҳаётимиздаги ҳар бир воқеа-ҳодисага шаърий жавоб Куръони Карим, Ҳадиси шарифда зикр этилган. Фоҳиша (зинокор аёл)нинг маҳри ва никоҳи масаласида жавоб топдим. Юлдузни фоҳиша дегим келмади. Чунки у оила қуришни муқаддас билган. Унда сабр, тоқат бор. Шундай бўлмаса, сизга турмушга чиққандан кейин ҳам фоҳишалик қилаверган бўларди. Боқиралигини йўқотиш ҳолати, вазияти, ҳозир унинг ўзига, айтиб берган бўлса сизга аён. Қандай қарорга келиш эса ўзингизга ҳавола.

Яхшилаб ўйлаб кўринг. Балки Юлдуз туфайли сабога эришаётгандирсиз. Балки у сизнинг тақдирингиздир. Ундан воз кечдингиз ҳам дейлик. Худо кўрсатмасин, бесабр, шартаки, сурбет, маккора, ҳақиқий фоҳишага дуч келсангиз, нима бўлади?

**М. ХОЛМУРОДОВ,**  
Қарши шаҳри.

Бу мақолани ўқиб, ўйланиб қолдим. Инсон турмуш йўлига қадам ташласа-ю, унинг дили нопок бўлса бу қандай бахтли оила бўла олади?

Пок йигит қизнинг ор-номусли бўлишига ишониб, уни жуфти ҳалолим, деб қабул қилса-ю, қиз эса яхши ният билан турмуш қураётган йи-

Салтанатхонга ўхшаган баъзи миллатдошларимиз борки, дабдабани яхши кўради. Кимўзарга тўй қилиб, мактангиси келади. Қуда томонга ўз шартларини қўйиб, ҳолини танг қилади.

Мастура хола қизининг кўнгли деб ўсал бўлгани қолди. Куръон ва Ҳадисларда битилган шарият мезонлари бизнинг ҳаётимизни тартибга солиб туради, мувозанатни сақлайди. Ҳадисдан мисол келтирсангиз, ҳозир замон бошқача дегувчилар топилар. Аммо замон ўзгармайди. Одамлар ўзгаради. Ҳа, биродар, замон жойида турибди.

Менимча, турмуш қураётган йигит ва қиз наслнасаби, бойлиги жиҳатидан тенг бўлиши керак. Эртага турмуш қур-

## УНДАН ВОЗ КЕЧИНГ

гитни алдаса? Бу кечириб бўлмас гуноҳ эмасми? Йигитнинг хотинига, боласига берган меҳр-муҳаббати бир куннинг ўзида шамолларга учиб кетди, кўнгли яраланиб, ғурури синди.

- Ох, болам-а? Қани энди шундоқ бўлса? Бу ўз онам фарзанднинг расми-ку! Айтгандек, сен уни қаердан ҳам билардинг? Ахир у пайтда чақалоқ эдинг-да. Онагинанг сепларни ташлаб ўлиб кетганига ҳам анча йиллар бўлди. Бу - Фазилатхон эса сизларнинг ўғай онангиз бўлади,- деди.

Бу гапдан сўнг дир-дир титрай бошладим. Оёғимнинг остидаги ер айланиб ўзимдан кетиб қолибман ўшанда. Кўзимни очганимда эса аммам доқа рўмолининг учи билан мени елпиб йиғлаб ўтирарди. Бироздан кейин эса отам билан онам кириб келишди. Мен эса ётган жойимда дод солдим.

- Онажон! Онажон-о-о-о-н! Эрга ўлиб кетди-и-э? Нега-а? - дея бақардим. Отам билан Фазилатхон опа қотиб қолишди. Мени бағрига босмоқчи бўлган отамнинг кўлларини ташлаб, юзларини тирнаб

Опаларим эса бу гапга унча эътибор ҳам қилишмасдан, унга ёпишиб олиб юришларини тарк этишмади. Бир ўзим тўпалон қилар, овқат эмас, ўғай онам олиб берган кийимларни киймасдим.

Бечора шунча қилмишимга қарамасдан кечалари кириб бошимни силар, тепамда туриб йиғлар. Кўрпамни тўғрилаб кўларимни ушлаб ўтирарди. Назаримда у менга инсоф тиларди. Мен эса кўзларимни чирт юмиб, ўзимни ухлаганга солиб ётардим.

Отам ҳар гал менга насихатлар қилар, ўғай онамни мактарди. Бундан фиғоним чиқиб йиғлашга тушардим.

Мактабда ҳам ўғай онамга аччиқ қилиб ёмон ўқидим. Амал-тақал қилиб мактабни тугатдим. Опаларим эса яхши ўқишиб, мактабни аъло баҳоларга битиришди. Кейин бири ҳамшираликка, иккинчиси эса ўқитувчилик касбига ўқишди. Мен уйда ўтирардим. Ҳамма ишга кетгач, товукларни чиқариб юборардим. Улар ўғай онам яшнатиб қўйган томорқани ер билан битта қилиб тиби ташлашарди. Бундан роса хузур қилардим.

Шундай қилиб, бир-бирдан мулойим ва одобли опаларимга совчилар кела бошларди. Ўғай онам ишдан келиб сарполар тайёрлар, кўрпа-ёстиқларни гуллатиб тикарди. Дам олиш кунларида эса бозорга югуриб тўйнинг камини тўғриларди.

Опаларим барно келинчалар бўлишиб, яхши йигитларга турмушга чиқиб кетишди. Улар байрамларда, туғилган кунларда ўғай онамнинг ҳурматини жойига қўйишарди. Мен эса ҳалигача ўғай онам билан келишмасдим. Йўқ, у бечора нима қилсам чиларди. Койимас, силтамасди.



йимларининг юпунлигини қаранглар, - дея Сабоҳат деган кекса аёл менга раҳмдиллик қиларди. Улар аслида ўғай она менга олиб берган чирой-раликка, иккинчиси эса ўқитувчилик касбига ўқишди. Мен уйда ўтирардим. Ҳамма ишга кетгач, товукларни чиқариб юборардим. Улар ўғай онам яшнатиб қўйган томорқани ер билан битта қилиб тиби ташлашарди. Бундан роса хузур қилардим.

Шундай қилиб, бир-бирдан мулойим ва одобли опаларимга совчилар кела бошларди. Ўғай онам ишдан келиб сарполар тайёрлар, кўрпа-ёстиқларни гуллатиб тикарди. Дам олиш кунларида эса бозорга югуриб тўйнинг камини тўғриларди.

Опаларим барно келинчалар бўлишиб, яхши йигитларга турмушга чиқиб кетишди. Улар байрамларда, туғилган кунларда ўғай онамнинг ҳурматини жойига қўйишарди. Мен эса ҳалигача ўғай онам билан келишмасдим. Йўқ, у бечора нима қилсам чиларди. Койимас, силтамасди.

Мақсуд ҳам мени севиб қолди шекилли, бир кунни совчиларини юборди.

Энди отдан тушадиган пайтим келганини сезардим. Отам билан ўғай онам совчиларни яхши кутиб олиб жўна-тишди. Ўғай онам ҳар доим-гидек кечкурун ётганимда ол-

унқиқиб кетгангина кўйлагини кийиб юрса-да, бизларга энг асл матолардан сарполар қиларди. Шундай қилиши шартдек эди, назаримда. Янги оилага тезда эл бўлиб кетдим. Баъзан уйга ҳам бориб турардик. Эримнинг олдида сир бермай ўғай онам билан кўришардим, унчалик гаплашмасдим. Бечора сир бермасдан менга гапираверар, айланиб ўриглаверарди. Шунчалик елпатак бўлганига сира тушунмасдим.

Йиллар ўтди. Бўйимда бўлай демасди. Турмушга чиққанымнинг олтинчи йилига келиб эримнинг муомаласи ўзгарди. Қайнонам ҳам очикдан очик "туғмас хотин" эканлигимни юзимга сола бошларди. Жуда қийин аҳволда қолгандим. Уйимга қайтиб бори-

ш...Ўзим йиллар давомида хўрлаган ўғай онамнинг юзига қараш... Охири бўлмади. Қайнонам эримга хотин олиб бериш тараддудига тушганда чидолмасдан уйдан кетиб қолдим. Опамникига бордим. У алдаб-сулдаб мени уйимизга олиб келди. Отамга воқеани айтди.

- Майли болам, пешонанга шундай ёзилган экан. Сени хўрлаган уйга бормай қўя қол. Бошқа илож йўқ. Улар эринга хотин олиб берса, чидашинг оғир бўлади,- деди. Ўғай онам хўн-хўн йиғлади. Очиғи, ўзимни унинг бағрига ташлаб йиғлагим келди. Ўзимни зўрга тутдим. Расмий ажрашганимиздан сўнг. Эрим уйланди. Мен эса яна ишлаб бошладим. Ҳар ҳолда энди ўғай онам билан унча-мунча гаплаша бошлагандим. Ораддан икки йил ўтди. Қўшни маҳалладаги Муротали эсмли эркакнинг хотини туғаётиб вафот этди. Унинг иккита фарзанди етим қолди. Каттаси ўғил, кичкинаси эса қиз экан. Шундан сўнг ўғай онам тараддуланиб қол-

- Сиз ўғай она экансиз!

Ўзимнинг оийим қаерда-а? Ойижонимга бораман! - дея мен бир пайтлар қилганимдек долдай бошладим. Аранг овутидим. Отаси ишдан келгач яна йиғисини бошлади. Тўпалон қилди. Унга қараб турардим, ўзимнинг қилган ишимни кўрардим. Бир оғиз ширин сўзим, жилмайишимга зор бўлган ўғай онам кўз олдимга келарди. Мехрибон бир аёлнинг дилини йиллар давомида ранжитиб озор берганлигим учун Оллох менинг бошимга ҳам айнан унинг тақдирини солди. Қайтар дунё, деганларидек, ўғай онамга қилган ёмонликларим менга ортиғи билан Умидадан қайтаётганиди. Озорларимга индамай чидаган, мени оқ ювиб, оқ тараган аёли ранжитганим учун афсусландим. Минг бор пушаймонлар қилдим. У ҳеч қачон ўғайлик қилмаганиди. Фарзанд чиққанымдан, бировнинг боласини боқиш жуда оғир экан.

Умида билан тил топши олмаган кунларимнинг бирини уйимизга боргим келди. Кўчадан кирдим ҳовлида энгашиб, тоғорада кир ювиб ўтирган ўғай онамнинг бағрига ўзимни ташлаб бор овозим билан йиғлай бошладим. У нима гаплагини тушунмаса-да, бирга йиғлади, сўнг овутиб мени супага бошлади. Чой, овқат олиб келди. Онамга бўлган воқеани айтдим. Шу кунни юрагимдаги мени адо қилган адоват тоши эриди. Бирга ош қилдик. Кечкурун эса у билан биргалашиб уйга бордик. Умидага насихатлар қилиб, ўзининг бошидан ўтганларини айтиб берди. Овутиди. Умида эса юввош тортиб, улар кетгандан кейин менга суйкача бошлади.

Ҳаётимиз яна изга тушди. Онам, бу аҳволга аёл билан соатлаб суҳбатлашадиган бўлди. Умримнинг шунча йилини унга озор бериб ўтказганим учун афсусланавераман. Аммо, энди вақтни ортага суриб бўлмайди-да..


Ох! Онам, онагинам-а! Онамнинг йўқлигини билдирмаган, қаҳру ғазабларини жилмайибгина, мунгайибгина ичига ютган онажоним! Мени кечира олармикансиз? Қани энди кечирсангиз!..

МУНИСА.

Нукус шаҳри.  
Авезжон БЕКМУРАТОВА  
ёзиб олди.

## Яхшилик аломатлари

Кадимги авлодларимиз сўпитургайнинг сайрашини эшитган бемор дардига даво топади, деб билганлар. Чунки сўпитургай ердан тафт кела бошлаган паллада учиб келади ва кесак орасига тухум қўйиб, бола очади. У сайраб, кесакка муруввати учун омонлик тилайди. Кесак эса ўз навбатида ерни улуғлагани учун инсонга раҳмат айтади. Бундан инсондаги дард-ғубор кўтарилади. Кўклам шифоли олиб келади. Баҳорга етган, саломатликка етади.



Томга каптар кўнса, ўша оилада тинчлик-омонлик бўлади. Агар каптар жуфт бўлса, балогат ёшидаги инсон ўзининг жуфти-ҳалоллини топади ва турмушлари ширин, файзли бўлади. Оқ каптар омонликдан, қора каптар зийнатдан нишона. Томингиз устида айланб учган бегона каптар дарз кетган оиланинг тик-

ланишидан дарак беради. Улар ҳовлингизга кўнса, аразлаб кетган эр ёки хотин хонадонга ўз оёғи билан қайтади.

Бўшалиб кетган от очик қолган дарвозадан кирса шу ҳовлига файзу барака оралайди. Агар от оқ бўлса, ҳалол давлат топасиз. Душманларингиз бўлса чекинади. Қора от обрў-эътиборга етказиши ва касаллик бўлса кўтарилади. Саман от эса чиройли орзу-ниятларнинг ушалувидан дарак беради. Ёнингизга яхши инсонлар жамул-жам бўлади. Бошқалар эриша олманган ғалаба сизга насиб этади. Уйга шод-хуррамлик келур.


Осмонда учиб бораётган турналар галасини кўрсангиз, ҳаётингизда тинчлик, омонлик бўлур. Сизни тарк этган умидингиз қайтади. Хеч кимга мустарим бўлмайсиз. Агар турналарни ўз ҳовлингизда турган пайтингизда кўрсангиз, албатта тез орада қарнай ва сурнай овози янграйди. Агар уларни далада турган пайтингизда кўрсангиз, деҳқончилик ишларингизда кўп барокот бўлур. Агар турналар бошингиз устидан учиб ўтса, фарзанд кўрасиз.

### Рухият сирлари

гизга оқ капалак келиб кўнса ҳам сиз соф муҳаббатингизни топасиз. Қалбингизни қийнаётган армонлар чекиниб, дилингиз покланади, чеҳрангиз барчага сирли-саховатли кўринур. Дидли, покиза инсон билан турмушингиз боланур.

Ўз жойингизга ётганингизда юзингизга ойнинг нури тушиб турган бўлса, синовлардан омон-эсон ўтишингиздан нишонидир. Номардлар қўйган туюқ сизга ошқор бўлур. Ўзингизни яхши инсонлар даврасида кўрурсиз. Орзу йўларингиз мушкуллашмайди. Адашиб дарё ёки суи бўйдан чиқиб қолган одамнинг ҳам пойқадами кутлуг келур. Йўлингиздаги барча тўсиқлар емирилади ва қалбингиз тўридаги орзу-умидларингиз ушалади.

## БАХТ АЛОМАТЛАРИ



Икки тоғни туташтирган камалакни кўрган кишиларга бахт дарвозаси очик бўлур. Улар борган жойдан кўнгиллари тўлиб, дилларидаги барча шубҳа-ғумонлар тарқайди. Агар камалакни ҳам қиз, ҳам йигит кўрган бўлса, қўшақарийдилар, турмушлари зиёда бўлиб, ҳаётдан кўп ҳикмат топулар. Агар йигит ёки қиз йўлдан адашиб, булоқ бўйдан чиқиб қолса ҳам, худди юқоридагидек ҳосиятли кўнлар насиб этур.

Ҳеч қутилмаганда бойчечакка дуч келмоқ ҳам ажойиб бахт-саодатдан дарак беради. Бойчечаклар қанча кўп бўлса, бахт кўргони ҳам ана шунча катта бўлур. Бирор жойин-

Лочин учиб келиб ҳовлига кўнса, ўша ҳовлининг эгаси тасодифан бойиб кетади. Бундай пайтда дарвоза ланг очиб қўйлади. Бойлик эса қутилмаганда уй эгасини топиб келаверади. Агар ўтиб кетаётган сирги дарвоза олдига таппи ташлаб кетса ҳам шундай бўлади. Шу уй эгаси камбағал бўлса бойиб кетади. Дарвоза олдига таппи тушганидан кайфияти бузилса, бойлик кетиб, қашшоқлашади.

Йўлдан ёки даладан ҳасса топиб олган одамнинг ҳам бекилган йўллари очилиб, бойиб кетади. Чунки ҳассада Ҳазрати Хизрининг назари бўлур. Уни эҳтиётлаб сақламоқ керак. Агар ҳассани даладан топиб олсанга, деҳқончилик мўл бўлур. Агар йўлдан топиб олсанга савдо-сотик ишлардан омон-эсон ўтиб, ўзининг кўзлаган манзилига бешикаст етади ва давлати зиёда бўлади.

Кор устига тушиб қолган оқ рўмол ҳам омаддан нишонидир.

## Омад аломатлари



Уни топиб олган одамдан ҳар қандай мушкулот чекинади. Чунки рўмолда Момо ҳаво онанинг зий-

нати бор. Одамнинг кўзини тўсиб турган парда кўтарилиб, равшанликни ҳис қилур ва ўз кўли билан ҳалол ризк-насиба топура. Агар рўмолнинг эгасини топиб қайтарса, мол-давлати икки қарра зиёда бўлур. Уйда касал одам бўлса, шифо топура, юз-чеҳраси нурли, шафоатли кўринур.

Эгиз туғилган қўзиларнинг бири оқ ва яна бири қора бўлса, шу хонадонга олдинроқ бой берилган омад қайтиб келур. Уйда яшовчилар эса ўтган гуноҳлар учун бир-бирини кечириб, турмуш ширинлашура. Агар иккала кўзичоқ ҳам оқ ёки ола бўлса бараканинг кўпайувидан, дастурхони тўкин бўлуvidан нишонидир. Бу оилага қасд қилган одамлар албатта наст бўлур. Йил охирига қўралар каттайиб, қўй-қўзилар кўпаяур.

## РЎШНОЛИК ЁКИ МУҲАББАТ АЛОМАТЛАРИ

Сўқмоқдан кетаётган одам, шу сўқмоқнинг охиригача ҳеч кимга дуч келмай одимласа, дарз кетган муҳаббати қайта тикланур. Унга зулм қилган кишининг эса юзи қаро бўлиб, сарсон-у саргардон бўлгай. Агар сўқмоқнинг тугашида бодом ёки антоқ гулига тўқнаш келса, муҳаббат ошёнига қайтиб, чеҳраси бахтиёрлик нуридан ёришгай.

Агар қалбига муҳаббат қўнган киши эрта тонгда майна ёки булбулнинг сайраган овозини эшитса, севгилисидини уни интиқлик билан кутаётган бўлур. Унинг муҳаббати чиндир ва асло хиёнат қилмағай. Агар кимдир

унга сахар чоғи саман отнинг жиловини тутқазса, муҳаббат синовидан осон ўтгай, унинг гуноҳлари бўлса севгилисидини кечирур, дўст-душманлар олдига юзи ёруғ бўлиб, тез орада висол онлари насиб этур.

Кимки Зухал сайёраси тиккага келганда севгилисидини эсласа, у ҳам уни эслайди. Чунки Зухал ошиқлар фикрини ташувчи ва кўнгилларни бир-бири билан уловчи сайёрадир. Ниятлар бирлашура ва ўзларини бахт-саодатлилар қаторига қўйсалар янглишмайдилар. Ким севса Зухалдан нажот топади. **Комилжон НИШОНОВ тайёрлади.**



Ушбу психологик тест асосан келинлик оstonасида турган қизлар учун мўлжалланган. **Одатда, тўй олдида қизлар еттинчи осмонда учиб юришади: ўзларини гоҳ ҳали ҳеч ким киймаган антиқа келинлик либосида, гоҳ бир оиланинг бахтли бекаси сифатида тасаввур қиладилар, севгисини дoston қилиб чарчамаётган бўлажак қувё бола бир умр ўзларини бошида кўтариб юришига ишонадилар. Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Тўйдан кейин озгина фурсат ўтиб, ҳаёт ҳақиқати қизгинани еттинчи осмондан ерга тушириб қўяди. Қизлар, танлаган йигитингизнинг хатти-ҳаракатларини, турли вазиятларда ўзини қандай тутишини диққат билан кузатиш ҳамда қуйидаги саволларга аниқ ва тўғри жавоб беринг. Ана шунда йигитнинг асл қиёфасини билиб олишингиз мумкин.**

## СИЗ СЕВГАН ИНСОН...

**1. Ота-онангиз келатган дам олиш кунлари тоққа чиқишларингизни айтиб қолишди. Сиз эса йигитингиз билан кинога тушмоқчи эдингиз. Режалар ўзгариб қолганини айтганингизда...**

а) кайфияти бузилганини сездирамасликка ҳаракат қилади- 1 балл;  
б) каттиқ хафа бўлади ва қайтиб келишингиз билан унга кўнграқ қилишингизни тайинлайди- 3 балл;  
в) сизга яхши дам олиб келишни тилайди ва кинога кейинги дам олиш кунлари тушишларингизни айтади- 5 балл.

**2. Нотаниш даврада даврабоши сизларни эр-хотин деб таништиради. Шунда...**

а) асабийлашиб, бундай эмаслигини тушунтира бошлайди- 5 балл;  
б) қизариб кетади ва тўйларингиз энди бўлишини айтади- 3 балл;  
в) ҳали турмуш қурмаганларингизни ҳеч кимга сездирмайди- 1 балл.

**3. Туғилган кунингиз яқинлашиб қолди. У...**

а) ўша кунни туғилган кунингиз нишонланаётган жойга вақтда кириб келади ва айнан сиз бир ҳафтача аввал гап орасида айтиб ўтиб кетган нарсани совға қилади- 3 балл;  
б) айтилган вақтдан бир соатча олдин келиб, сизга тайёргарлик ишларида ёрдам беради- 1 балл;  
в) бир соатча кечикади ва антиқа гулдаста совға қилиб, барча дугоналарингизни лол этади- 5 балл.

**4. Мабодо у касал бўлиб қолса...**

а) оёқ тираб туриб олганингиздан сўнггина унга гамхўрлик қилишингизга изн беради- 3 балл;  
б) тушкун кайфиятда энди бирор ҳафта учраша олмаслиқларингизни айтади- 5 балл;  
в) дарҳол сизнинг маслаҳатларингизга қулоқ осиб, даволанишга киришади- 1 балл.

**5. Тасаввур қилинг, тўйдан кейин тоғлар бағридаги дала ҳовли-**

### Аёллар учун тест

га боргансизлар. Эрталаб уйғониб...

а) у ювиниш хонасига янги тиш чўткаси, сочингизга мос шампун ва гел, сиз ёқтирадиган совунни қўйиб қўйганини кўрасиз- 5 балл;  
б) бундай бўлишига кўзингиз етмайди- 3 балл;  
в) нонушта тайёрлаётганингизда у атрофингизда гирдиқалалак бўлиб сизга ёрдам беради- 1 балл.

**6. Унинг ёнида ўзингизни...**

а) қироличлардай сезасиз- 3 балл;  
б) эркин ва ҳимояланган ҳис қиласиз- 1 балл;  
в) имтиҳон топшираётгандай асабий сезасиз- 5 балл.

**Энди балларни ҳисоблаб чиқинг.**

**6 - 11 балл.** Уни "Лайлак" деб аташ мумкин. Лайлақлар севгида собит, жуфтига садоқатли ва меҳрибон бўлади. Бундай йигит билан умрингизни боғласангиз, кам бўлмайсиз.

**12 - 18 балл.** У "Пингвин". Бундай йигитлар севгида субтисирок бўлишади. Сизгача ҳам бир неча қизга севги изҳор этган бўлса ажаб эмас.

**19 - 25 балл.** Бундай йигитни "Шер" деб таърифлаш мумкин. Бу тоифа эркақлар, одатда четдан битта уйнаш ҳам ортириб олишга мойил бўлишади. У турмуш ўртоғига ҳам, уйнашига ҳам бирдек эътибор ва гамхўрлик кўрсатади, иккаласининг ҳам дилини оғритмайди. Шундай ҳаётга кўна олсангиз, тўйга розилик бераверинг.

**26 - 30 балл.** У "Қуён". Бунинг маъноси шуки, у исталган пайтда сизнинг ҳаётингиздан ҳам "қуён бўлиши" тайин. Бунгача аса у ваъдалар-у, ширин сўзлар, алоҳида эътибор билан обдон бошингизни айлантиришини аниқ. Бундай эркак билан бахтли оила қуришни орзу қилмасиз ҳам бўлади. **ДАРМОН тайёрлади.**

# САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ?

**САВОЛ:** - Ёзда кўпчилик куёшда тобланишни уш қўради. Бунинг фойдали томонлари ҳақида кўп эшитганман. Лекин зараричи? Ёки куёшда тобланиш умуман безарарми?

Қиличбек ТУРСУНОВ, Фарғона вилояти.

**ЖАВОБ:** - Куёшда тобланиш соғлиқ учун фойдадан кўра зарарга айланиб кетмаслиги учун бир неча оддий қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.  
**Жумладан:**  
● эрталаб соат 9 гача кўпи билан 40 дақиқа тобланиш мумкин;  
● 9:00 дан тушгача эса бу вақт 20 дақиқадан ошмагани маъқул;  
● тушдан 16:00 гача бўлган ораликда умуман тобланиш мумкин эмас;  
● 16:00 дан кейин 40 дақиқача зарар қилмайди;  
● на соя, на сув сизни ультрабинафша нурлардан химоя қила олмаслигини унутманг.


**Куйидаги тоифа кишиларга куёшда узоқ тобланиш мумкин эмас:**  
● мовий, жигар ранг ва кўк кўзли кишилар 10-20 дақиқадан сўнг куёшда куйиб қолишлари мумкин;  
● агар сочларингиз сариқ ёки тилла рангли бўлса, куёшда 5-7 дақиқадан ортиқ турмаганингиз маъқул;  
● териси консиздек оқ ҳамда куёшда тез қизариб чиқадиганлар;  
● юқори қон босими ёки юрак, қон-томир касали борлар;  
● оила аъзолари орасида тери раки билан оғриганлар бор одамлар;

**Шунингдек:**  
● 40 ёшдан ошган аёллар;  
● 3 ёшга тўлмаган болалар (умуман, 3 ёшгача бўлган болаларнинг куйи нури тағида туриши зарарли);  
● қон босими тез-тез ўзгариб турадиганлар;  
● қалқонсимон беши катталашган кишилар ҳам куёшда тобланишда эҳтиёт бўлишлари шарт.

**Мабодо, терингиз куёшда куйиб қолса, куйидаги муолажалар сизга ёрдам беради:**  
● куйган жойга совуқ қатиқ, бодринг, тарвуз, помидор ёки хом картошка шарбати суртинг;  
● Куюқ дамланган совуқ чой билан ювинг;  
● "Радевит" суртма дориси (мазь) таркибида А, В, Д дармондорилари куёшдан куйишни даволашда самарали ҳисобланади. Уни 5-7 кун мобайнида терининг куйган жойларига эрталаб ва кечқурун суртиш керак.

**САВОЛ:** - Яқинда идораларда ишлатиладиган принтер, ксерокс каби техника воситалари ҳам йўтал касалликларини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида эшитиб қолдим. Шу гап тўғрими?  
Сурайё РУСТАМОВА, Тошкент шаҳри.

**ЖАВОБ:** - Одатда, йўтални вирусли инфекциялар ҳамда тумов кўзгатади, деб ҳисобланади. Аммо яқинда немис олимлари томонидан аниқланган бир янгилик кўпчиликни шошириб қўйди. Маълум бўлишича, бутунги кунда деярли барча идораларда ишлатиладиган принтер ва ксерокслар ўзидан йўтал кўзгатувчи ҳамда нафас йўллари ишдан чиқарадиган, хатто айрим ҳолларда астмага сабаб бўладиган зарарли воситаларни ажратиб чиқарар экан. Шифокорлар кучли йўтал тутиб қолганда ундан қутилиш учун чиннигулнинг гулбандини чайнашни, нафас йўллари касалликларидан сақланиш учун эса



кундалик овқатга занжабил (имбир) қўшишни маслаҳат беришмоқда.

**САВОЛ:** - Ўғлим 30 ёшга кирди. Уйлантирганимизга 6 йил бўлса-да, фарзанди йўқ. Ёшлигида паротит(свинка) билан оғриганди. Шунинг ҳам асорати бўлиши мумкинми?  
Мархабо ОДИЛҲОНОВА, Тошкент вилояти.

**ЖАВОБ:** - Дарҳақиқат, бепуштлиқка болалиқда кечирилган паротит(свинка) оқибатида қолган орхит(тухумларнинг яллиғлиниб шишиши, оғриши ва юқори температура) ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Агар паротит орхитга ўтиб кетмаган бўлса, унда ўғлингизнинг булғунги муаммоларига бошқа сабаб бор. Шу боис тегишли йўналишлар шифокорлари кўригидан ўтиб, уларнинг маслаҳатлари асосида иш қўриш керак.

**ЖАВОБ:** - Илоҳи бўлса, ўғлингизни сузиш секциясига бering. Чунки бу спорт тури умуртқани ушлаб турадиган мушакларни жуда яхши чиниктириш хусусиятига эга. Шунингдек, у оёқлар ва кўкрак мушаклари гуруҳини чиниктирадиган спорт турлари билан ҳам шугулланса бўлади. Футбол ўйнаши, спорт гимнастикаси, яккама якка "жанг"ларга тушмай шарқ

**САВОЛ:** - Учинчи синфни битирган ўғлимда сколиоз(гавдани тўғри туюлмаглик, умуртқанинг қийшайиши) касаллиги бошланаётган экан. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишнинг маслаҳат беришяпти. У қайси спорт турлари билан шугулланиши мумкин?  
Каромат МАМАЖОНОВА, Жиззаб шаҳри.

яккакурашлари, айниқса, айкидо билан шугулланиши мумкин. От спорти секциясига қатнаш ҳам фойдали, чунки у ерда гавдани тик тутиш-

ни ўргатишади. Лекин серхаракат ва кўпроқ сакрашни талаб этадиган спорт турлари - волейбол, баскетбол, теннис ўйнаш мумкин эмас.

**САВОЛ:** - Газетада янги тайёрланган мева шарбатлари фойдали эканлиги ҳақида ўқиган эдим. Лекин бир дугонани бунинг аксини айтиб қолди. Кимга ишониш керак?  
Олтиной ВАҲОБОВА, Тошкент вилояти.

**ЖАВОБ:** - Янги тайёрланган мева шарбатлари ростдан ҳам организм учун жуда фойдали. Аммо мана шундай шарбатларни тайёрлаш ва ичиш пайтида иккита оддий қоидага амал қилиш керак:



1. Янги тайёрланган шарбатларда мева кислотаси кўп бўлади, чунки бир стакан шарбатга бир неча мева ишлатилади. Мана шу кислота тиш эмалини емириши мумкин. Шу боис бундай шарбатни овқатланиш пайтида ичиш керак. Шундай қилинганда оғиз бўшлиғида ажралиб чиқадиган сулак шарбат билан аралашиб, унинг кислоталигини камайтиради. Шарбат ичгач, оғизни сув билан чайиб ташлаш зарур. Айрим шарбатлар, хусусан, анор шарбатини албатта сув аралаштириб ичиш тавсия этилади.  
2. Янги тайёрланган шарбат турли микроб ва бактерияларни "ўзига жалб этиш" хусусиятига эга. Шу боис уларни узоқ сақлаш ярамайди. Яхшиси керагича тайёрлаган маъқул.

**ЖАВОБ:** - Арик, канал, кўл ва анҳорларда чўмилганда куйидаги қоидаларга амал қилишни тавсия этган бўлардик:  
\* Нотаниш жойда чўмилаётган бўлсангиз, ҳеч қачон бош билан шўнгиманг. Чунки ҳавза саёз бўлса, бош сувнинг тубига урилганда умуртка бош чаногига санчилиб қолиши мумкин;  
\* куёшда тоблангандан сўнг дарров сувга туша кўрманг. Чунки ҳароратнинг бирдан ва


**САВОЛ:** - Кўл ва анҳорларда чўмилиш пайтида нималарга эътибор қаратиш керак?  
Рустам ДОНИЁРОВ, Тошкент шаҳри.

кескин ўзгариши оқибатида нафас олиш тўхтаб қолиши, юрак томирларининг сиқилиши(қисиб қолиши) ҳолати юз бериши мумкин;  
\* Чўмилаётганда дўстларингиз билан ўйнаб бир-бирларингизни "чўктириш"га уринманг. Бунда эҳтиётсизлик оқибатида бўйин

томирини ёки умуртқасини шикастлаб олиш ҳеч гап эмас;  
\* Агар спиртли ичимлик истеъмол қилган бўлсангиз, умуман сувга тушишни маслаҳат бермаймиз. Хатто энг соғлом ва сузишда "балиқларни ҳам доғда қолдирадиганлар"нинг кўпчилиги мастликда чўкиб кетади.

**ЖАВОБ:** - Сунъий витаминлар биринчи гада дори воситаси эканлигини унутмаслик керак. Шу боис дорихонада сотиладиган ҳар қандай дармондорини шифокор маслаҳатисиз ичиш тавсия этилмайди.

**САВОЛ:** - Оилавий шифокоримиз дорихоналарда сотиладиган таблетка шаклидаги С дармондориси (аскорбинка)ни кўп истеъмол қилиш соғлиққа зарарлигини айтиб қолди. Шу тўғрими?  
Тоҳижон ЭШМУРОДОВА, Андижон шаҳри.



Аскорбин кислотасининг тавсия этиладиган бир кунлик миқдори 60 миллиграммдан ошмаслиги керак. Аммо унинг миқдори касаллик тури, беморнинг ёши ва бошқа қатор ҳолатларни эътиборга олиб белгиланади. Уни меъеридан ортиқ истеъмол қилиш аллергия бериши, ич кетишига, кўзнинг шиллик пардаси қичишига, бош оғриғига, уйқусизликка сабаб бўлиши мумкин.  
Таркибида С дармондориси кўп бўлган лимон, наъматак, чаканда (облепиха), қора смородина каби меваларни эса истаганча ейиш мумкин. Чунки улар табиий бўлгани боис меъерни ошириб юбормайди.

**САВОЛ:** - Кейинги пайтларда йодланган туз истеъмол қилиш ҳақида кўп ёзилаётган. Инсоннинг йодга бўлган эҳтиёжи қанча?  
Мамлакат АЛИМОВА, Навоий вилояти.

**ЖАВОБ:** - Умри давомиди инсон танаси жами 5 грамм йод қабул қилиши керак. Витаминларга бой, тўйимли озиқ-овқатлар истеъмол қилса, дастурхони-

дан балиқ маҳсулотлари, нон, гўшт аримаса, овқатга йодланган туз ишлатса, унда қўшимча равишда йодмарин ёки бошқа витаминли дориларга эҳтиёж қолмайди. Танада йоднинг меъеридан ошиб кетиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки унинг ортиқчаси сийдик орқали чиқиб кетади ва соғлиққа зарар етказмайди.

**ЖАВОБ:** - Эмизикли болалар 6 ойлик бўлгунча қадар сигир сuti бериш мумкин эмас. Шундан кейин ҳам сигир сутининг

**САВОЛ:** - Эмизикли болаларга сигир сuti берса бўладими?  
Турсуной КУЛБЕКОВА, Зомин тумани.

ўзини эмас, балки у асосда тайёрланган аралашма ва бошқа озуқаларни бериш керак. Чунки сигир сuti таркибидаги оқсиллар кучли аллерген бўлиб, бола организми уларни ҳазм қилишга қийналиши мумкин. Умуман, мутахассислар болани 2 ёшгача кўкрак сuti билан боқини, у онасининг сutiга тўймай қолсагина қўшимча озуқалар беришни тавсия этишади.

Организмнинг йодга бўлган бир суткалик эҳтиёжи куйидагича:	
Ёш	Йод миқдори(микрограмм/сутка)
Чақалоқлар	50-80
Мактабгача ёшдаги болалар	50-100
Мактаб ёшидаги болалар	140-200
Ўсмирлар	200
Катталар	180-200

дан балиқ маҳсулотлари, нон, гўшт аримаса, овқатга йодланган туз ишлатса, унда қўшимча равишда йодмарин ёки бошқа витаминли дориларга эҳтиёж қолмайди. Танада йоднинг меъеридан ошиб кетиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки унинг ортиқчаси сийдик орқали чиқиб кетади ва соғлиққа зарар етказмайди.

**САВОЛ:** - Хориждан келтирилган аксарият озиқ-овқат маҳсулотларининг қадоқланган идишида "Е" ҳарфи ва бир неча рақамли белги учрайди. Бу белги нимани аңглатади?  
Абдумалик ШЕРНАЗАРОВ, Сирдарё вилояти.

- Е 102 - хавфли;
- Е 183 - таъқиқланган;
- Е 104 - шубҳали;
- Е 105 - таъқиқланган;
- Е 106 - таъқиқланган;
- Е 110 - хавфли;
- Е 111 - таъқиқланган;
- Е 120 - таъқиқланган;
- Е 123 - ўта хавфли;
- Е 124 - хавфли;
- Е 125 - таъқиқланган;
- Е 127 - хавфли;
- Е 221 - овқат хазм бўлишини издан чиқаради;
- Е 230 - терига салбий таъсир кўрсатади;
- Е 250 - гипертонияда истеъмол қилиш мумкин эмас;
- Е 320 - таркибида холестерин кўп;
- Е 340 - овқат хазм бўлишини издан чиқаради;
- Е 453 - овқат хазм бўлишини издан чиқаради.

Мазкур рўйхатда жами 60 дан зиёд консервантлар бор. Маслаҳатимиз, мана шундай белги қўйилган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан сақланинг.

**БУГУН УЛАРНИНГ ТЎЙИ!**



ди у. Ниҳоят бир куни қиз телефон қилиб: "Менга Қувондиқ ёқиб қолди, бошқа ҳеч кимга манзилимни берманг, илтимос", деди. Қувондиқ асли қорақалпоғистонлик бўлиб оиласи билан Тошкентда яшар экан. Аёлининг хиёнати туфайли турмуши бузилган. Олий маълумотли бу йигит тахририятга ўзига мос ўқимишли, замонавий кизни излаб келганди.

Бундан 5-6 ой илгари турмушга чиқиш чиятида мурожаат қилган қизнинг ўзгача бир мафтункорлиги бор эди. Қиз камтарин, камгап ва энг муҳими муомаласидан тарбияли оила фарзанди эканлиги кўриниб турарди. Ҳуқуқшунослик касбини эгаллаб, яхши ишга жойлашишга интилан Барчиной оила қуришга биров кечибиб 31 ёшга кириб қолганди. Анча-мунча йигитларга бу қизнинг манзилини берганди. Аксариятига қиз ёқиб қоларди-ю, аммо у йигитлари рад этарди. Сабаби: "Бир машинаси борлигини, бири отасининг лавозимини мактагани. Менга маънавияти, диди банд йигитлар ёқади", дея тушунтирар-

нинг хиёнати туфайли турмуши бузилган. Олий маълумотли бу йигит тахририятга ўзига мос ўқимишли, замонавий кизни излаб келганди. Утган ҳафтанинг ўрталарида Қувондиқ ва Барчиной бир даста гул билан тахририятга келишди. «Биз турмуш қураямиз, сизларни тўйга таклиф қилиб келдик», дейишди улар. Бироз сўхбатлашиб ўтирганимиздан кейин тўйда қутишларини айтиб чиқиб кетишаркан, қувётура, «Бизнинг қувончимиз ҳақида ёзинглар», деб қолди. Соҳибжамол келин: "Ҳа, ҳамма ҳам биз каби тўйга, бахтга етишсин", деди.

Биз бир-бири билан топшиган бу икки ёшга чин дилдан оилавий бахт тилаб қолдик.



**Холам 27 ёшда.** Ҳали турмушга чиқмаган-у, аммо бир номарднинг тажовузи туфайли алданган. Мен унинг доим ўйчан юришига ачинаман. Чунки у беайб айбдор. Қани эди 35 ёшлар атрофидаги фарзанди йўқ эркак бўлса-ю, уни тушунса ва оила курса...

**Манзили тахририятда. НАФИСА, Сирдарё.**

**Холамнинг ёши 49да.** Олий маълумотли, тушунган аёл. Нозик қоматига дид билан кийиниши ярашиб туради. Аммо шу ёшгача турмуш нималигини билмай ўтаётти. Мен унинг қалбига кимдир бахт олиб келишини жуда истардим. 55 ёшларгача бўлган, олий маълумотли, дунёқараш кенг инсон бўлса, оила қурадди.

**Манзили тахририятда. ХУРШИДА, Тошкент**

**Жияним 27 ёшда.** Олий маълумотли, дуркунгина, чироили аёл. Яхши ниятлар билан узатган жойимизда носоглом мухит бўлганлиги сабабли ажрашди. Ширингина 6 ёшли ўғли бор. 35 ёшгача бўлган, тарбияли оиладан чиққан, 1-2 та фарзанд бўлса-да, уйим-жойим дейдиган инсон бўлса, тақдирини боғлармиди?..

**Манзили тахририятда. ШАЛОЛА, Тошкент.**

Ховлида ўғлим иккаламиз яшаймиз. Чунки унинг онаси оламдан ўтганига анча бўлди. Шу пайтгача боламнинг кўнглига қараб уйланмадим. Энди у ҳам уйланиш ёшига етди. Уйлаб кўрсам иккаламизнинг ҳам қалбимизни тушунадиган аёл ва қиз керак. Агар улар она-бола бўлишса, янаям яхши эди. Бир бутун оила бўлар эди. Менинг ёшим 55да, ўғлим 22да. Топишимиз, яшашимиз ёмон эмас. Фақат оиламизда аёл меҳри йўқ холос. Биз уларни газета орқали топишдан умидвормиз.

**Манзил тахририятда. ШАВКАТ, Тошкент.**

**Оила бўлимининг ТЕЛЕФОНИ: 134-25-46**

Опанамнинг кейинги вақтда соғлиги ёмонлашгани мени уйлантирди. Шифокорлар сабабини ёлғизликдан дейишди. Шу сабабдан ҳам газетга мурожаат қилдим. Опам 54 ёшга кирган бўлсаларда, жуда ёш кўринади. Фарзандларидан қутулган. Олий маълумотли, яхши касб эгаси. 60 ёшгача бўлган, келишган қоматли, олий маълумотли, моддий имкониятлари етарли инсон бўлса овоз берсин.

**Манзили тахририятда. ФАРИДА, Тошкент.**

Қайнотам олий маълумотли, ўқитувчи. 4 фарзандини уйли қилганларидан кейин раҳматлик қайнонамнинг ўрни билинди. Ҳозир кенг ҳовлида ўғли билан туради. Ёши 54 да. 50

**Ўртоғимнинг ёши 33 да.** Аёлининг хиёнати туфайли турмуши бузилди. 2 та фарзандига уйини қолдириб, бошқа ҳовли олди. Олий маълумотли, тадбиркор, акли ва кенг тушунчали дўстимнинг мустаҳкам оиласи бўлишини истайман. 30 ёшгача бўлган, ажрашган ёки фарзанди йўқ, кўхликкина, тошкентлик аёл бўлса манзилини тахририятдан олсин.

**ЗАФАР, Тошкент.**

**Ёшим 42да.** Олий маълумотли, ижодкор аёлман. 14 ёшли ўғлим бор. Фарзандимнинг отаси билан ажрашганмиз. Уйим бор. Фақат фарзандимга меҳрибон падар бўла оладиган инсонга муштоқмиз. Олий маълумот-

Ота-онамнинг ризолиги билан турмуш қурдим, фарзанд кўрдим. Аммо бахт нима эканлигини билмадим. Собиқ эрим ўзга аёлнинг этагидан тутиб қолган. Олти йилдир-ки фарзандимни ёлғиз боқаялман. Олий маълумотли, озгиндан келган, кичик жуссали аёлман. Ёлғизликдан қарчадим. Ёшим 37да. 45 ёшгача бўлган, олий маълумотли, оилани тебратган оладиган тошкентлик инсон бўлса танишиш ниятидаман.

**Манзили тахририятда. ФЕРУЗА, Тошкент.**

Баланд бўйли, кенг елкали, 40 ёшли эркакман. Уйим, ишим ҳам тайин. Бундан уч йил олдин бахт деб билганим сароб бўлди. Биз ажрашиб кетдик. 30 ёшгача бўлган, озгиндан келган, шарм-

Опам ориятли, зиёли аёл. 3 ёшли ўғилчаси бор. Аммо номард эри унинг туғма нуқсонини юзига солиб ташлаб кетди. Кўнгли қордек бегубор опақонимнинг қўлидан ҳамма юмуш келади. 40 ёшлар атрофидаги, олий маълумотли, топиш-тутиши бор инсонни балки газета орқали учратар, деган мақсадда манзилини тахририятга бердим.

**НИЛУФАР, Тошкент.**

Иккита фарзандимни ҳам ота, ҳам она бўлиб ўстириш осон кечмаяпти. Олий маълумотли, иши тайин аёлман. Ёшим 38да. Агар аёли кадрлай оладиган, оқибатли эркак бўлса турмуш қуриш ниятидаман.

**ЗАМИРА, Тошкент.**

Онажоним бу дунёни тарк этганига 3 йил бўлди. Ҳозир адам 55 ёшда. Жуда яхши, олий маълумотли, вазмин инсон. Мен ва синглим турмуш қурганмиз. Кенг ҳовлимизда укам ва адам яшашади. Укам ҳам уйланиш ёшида. Биз адамнинг ёлғизлиги қилишидан хавотирдамиз. Балки бир мунис аёл бизга она бўлар деган ниятда манзилини тахририятга бердим.

**МАЛОХАТ, Тошкент.**

ёшгача бўлган, 1 та фарзандли ёки улардан тинган, фаросатли аёл бўлса оила қуриш нияти бор.

**Манзили тахририятда. ХОЛИДА, Бухоро.**

Олий маълумотли, жозибали, хушбичим дугонам бор. Маданиятли, зиёли оиланинг фарзанди. Нуфузли идорада ишлайди. Тақдирнинг ўйинлари сабаб ажрашган. Ёши 28 да. 35-40 ёшлар атрофидаги, олий маълумотли, келишган инсон бўлса танишиб, Тошкент ёки Қаршида яшаш нияти бор.

**Манзили тахририятда. ЗАМИРА, Қашқадарё.**

ли, инсоний фазилатларни улуғлайдиган, 55 ёшгача бўлган эркак бўлса мен ва ўғлим билан яшашга таклиф этамиз.

**Манзили тахририятда. МУХАЙЁ, Тошкент**

Қудамнинг кенжа қизи ҳақида қайғургим келади. Чунки у ажойиб бир оилага келин бўлишга арзигулик қиз. Одоб-камтаринлигига ярашиб туради. У ниҳоятда уятчан бўлгани учун ҳам тенги топиламаяпти, шекилли. Мен каби келиндан мамнун бўлиб ўтиришни истаган оналарга 32 ёшгача бўлган, олий маълумотли, одобли ўғлига шу 24 ёшли қизни келин қилишларини маслаҳат бераман.

**Манзили тахририятда. НАИМА, Тошкент.**

хаёли (намозхон, ёки ҳижобли бўлса жуда маъқул бўлар эди), турмуш қўрган бўйчан аёл бўлса овоз берсин.

**Манзили тахририятда. БОСИТ, Тошкент.**

Бўйимнинг ластлиги ва бироз тўлалигим сабабли бахтим очилмаяпти. Ёшим 31да. Кўнгли тоза инсон билан бахтли бўлишни истардим.

**Манзили тахририятда. САНОАТ, Тошкент.**

Қайинсинглим 25га кирган бўлса-да, жуда ёш кўринади. Ўрта бўйли, нозиккина қоматли, оқшидан келган қиз. Пояттахта яшаётган вилоятлик, уй-жой бор, тушунган йигитни унинг тенги деб биламан.

**Манзили тахририятда. ФАРАНГИС, Тошкент.**

Отам олий маълумотли, лавозимли инсон эди. Аммо касби туфайли қаттиқ бетоб бўлганида онамнинг хиёнатини ўз кўзим билан кўрганман. Шу сабабдан улар ажрашиб кетишган. Мен турмушга чиқиб кетдим ва отам ёлғиз қолди. Ёши 53да. Соғлиги анча яхши бўлиб қолган, уйи бор, топиши ҳам яхши. Жисмоний нуқсонини бўлсада, қалби соғлом аёл бўлса отажонимнинг ўқиб қалбига малҳам бўлармиди?

**Манзили тахририятда. ШАҲНОЗА, Тошкент.**

**МАТЛУБА тайёрлади.**

**ҲОКИСОР БИР ИНСОНМАН...**

- Мен Навоий вилояти Нурут туманидаги чекка бир қишлоғиданман. Миллатим тожик. Ёшим 48 да. Узёқ йиллардан бери Тошкентнинг қонини еб юрибман, - дея гап бошлади ўзини Носир деб таништираган эркак.

- Олий маълумотли бўлдим, ўқитувчи бўлдим. Бир қанча шоғирлар орттирдим. Шахсий ҳаётини ҳам ўйлайдиган вақт келганда оила қурдим. Бошида ҳаммаси рисоладагидек эди. Аммо кейин барчаси остинустун бўлиб кетди.

- **Нима бўлди?**

- Ҳа, аёлининг ёмонига йўлиқсанг, ҳар кўйга ташаркансан. Унинг туҳматлари, ёлгонлари, гийбатларининг адоғи йўқ эди. Озгина қаттиқроқ гапирсам, ишхонамга шикоят қилиб бораверди-бораверди. Ахир ажрашишдан бошқа чорам қолмади.

- **Фарзандлар-чи?...**

- Тақдир мени фарзанддан ҳам қисди, ажрашишимизга бу ҳам туртки бўлди. Анча вақтдан бери ёлғиз яшаб келялман. Ишга бораман, уйга келаман. Қишлоғимдан илм

излаб чиққанлигим сабаб кандидатлик диссертациясини ёқладим.

- **Сочларингизнинг оқини демаса ёш кўринаркансиз.**

- Бу оқлар тақдиримнинг тинмаганидан. Икки хонали уйим бор. Олийгоҳда дарс бераман. Беозоргина кўнглим бор. Ҳаётда инсонийлик туғиларини қадрлайдиган аёлни учратармиканман?

- **Қандай аёлни истардингиз?**

- 40 ёшлар атрофидаги, ўқимишли, тушунган аёл бўлса. Фарзанди бўлса ҳам, 6-7 ёшгача бўлган биттагина кизини бирга тарбиялашимиз мумкин. Вилоятлардан бўлса ҳам Тошкентга келиб яшашни хоҳлайдиган, ажрашган эмас, эри вафот этган ёки бирор сабаб билан турмушга чиқолмаган, озгиндан келган аёл бўлса манзилини беришимиз мумкин.

**Носир ака билан хайрлашарканман, бу ҳоқисор, илм йўлида фидоий инсон билан умргузаронлик қилишни истаган аёл ҳам унинг шу фазилатларини улуғлайдиган бўлиши лозимлиги ҳаёлимдан ўтди.**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Бош муҳаррир: 134-86-91

Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20

Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46

Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46

Бухгалтерия: 132-07-41

**МАНЗИЛИМИЗ:**

Тошкент - 700000

Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Олой» бозори ёнида.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 934. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади - 11000

Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ

Расом — Н. ХОЛМУРДОВ

Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ

Мусахҳих — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 6